

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУМИЙ ФИЗИКА КАФЕДРАСИ

САМАТОВ Ғ.Б., АБДУЛЛАЕВ Б.А.

**Академик лицейлар физика курсида динамика ва сақланиш
қонунларига оид масалалар ечиш методикаси**

(ЎҚУВ ҚҮЛЛАНМА)

Гулистан – 2015 йил

F.Б.Саматов, Б.А. Абдуллаев “Академик лицейлар физика курсида динамика ва сақланиш қонунлариға оид масалалар ечиш методикаси

Ўқув қўлланма- Гулистан. 2015 й. 80 б.

Ушбу ўқув- қўлланма академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг физика фани ўқитувчилари ҳамда ўқувчиларига мўлжалланган.

Ўқув қўлланмада физика курсининг механика бўлимида динамика ва сақланиш қонунлари (импульс ва энергиянинг сақланиш қонунлари)дан масала ечиш методикаси ҳамда масала ечиш бўйича намуналар берилган ҳамда тегишли адабиётлар рўйхати келтирилган..

Ўқув қўлланма муаллифларнинг тажрибалари ҳамда шу йўналишдаги мавжуд ўқув ва ўқув- қўлланмаларга асосланган ҳолда ёзилган.

Гулистан давлат университети Ўқув - методик Кенгаши томонидан (2015 йил 28 августдаги 1–сонли баённома асосида) ўқув машғулотларида фойдаланишга тавсия этилган.

Такризчи: «Умумий физика» кафедраси доц.в.б., п.ф.н. Ш.Ашурев

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	4
1-боб. Механика бўлимида динамикага оид масалалар ечиш	8
1.1. Академик лицейлар физика курсида динамикага оид асосий қонунлар ва формулалар.....	8
1.2. Академик лицейлар физика курсида динамикага оид намуна сифатида ечилган масалалар.....	10
2-боб. Механикада импульс ва унинг сақланиш қонунини ўрганиш.....	28
2.1. Импульснинг сақланиш қонуни	28
3-боб. Механикада энергиянинг сақланиш қонуни	37
3.1.. Жисм (заррача) лар ва уларнинг системаларининг тўлиқ энергияси ва кинетик энергияси	37
3.2. Потенциал майдонлар.Потенциал кучларнинг бажарган иши.....	42
3.3. Системанинг механик энергияси ва энергиянинг сақланиш қонуни.....	46
3.4. Энергия ва импульснинг сақланиш қонунидан фойдаланиб космик тезликлар ва заррачаларнинг сақланишини ўрганиш	47
3-боб. Импульс ва энергиянинг сақланиш қонунларини масала ечишга татбиқ этиш.....	52
3.1. Импульсни сақланиш қонунини масала ечишга татбиқ этиш.....	56
3.2. Энергиянинг сақланиш қонунини масала ечишга қўллаш.....	76
Фойдаланилган адабиётлар.....	77

КИРИШ

Ушбу ўкув қўлланма академик лицейлар физика курсида динамика ва сақланиш қонунларига оид масалалар ечиш методикасига бағишиланган ва академик лицейлар ўқитувчилари ҳамда иқтидорли ўкувчилари учун мўлжалланган.

Сақланиш қонунларининг илмий ва методологик аҳамияти уларнинг ўзига ҳос умумийлиги ва универсаллиги билан аниқланади. Сақланиш қонунлари макро ва микрооламда ҳамда мегаоламда юз берадиган ҳамма физикавий ҳодисаларда амал қиласди.

Замонавий физикага жуда катта принципиал ва амалий аҳамиятга эга бўлган фундаментал ғояларнинг киритилиши ҳам сақланиш қонунлари билан узвий боғланган. Сақланиш қонунлари маълум маънода ихтиёрий физикавий назарияларнинг ҳақиқийлик критерияси (ўлчови) сифатида хизмат қиласди, чунки физикавий назарияларнинг сақланиш қонунларини қаноатлантириши уларнинг тўғрилигини исботловчи асосий аргументлардан бири ҳисобланади.

Сақланиш қонунларида материя ва унинг ҳаракатининг **йўқолмаслик** принципи, материянинг фанда маълум бўлган ҳамма формаларининг ўзаро боғланиши ва ўзаро бир – бирига алмашиниш принциплари ўз аксини топади.

Материя ҳаракатининг физикавий формаларини англаш жараёнидаги алоҳида аҳамиятга эга бўлган сақланиш қонунлари оламнинг замонавий илмий манзарасининг жуда муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Сақланиш қонунлари жуда ранг- баранг мазмунга эга ва биз ҳозирги кунда ҳам унинг функцияларини тўла англаб етаолганимиз йўқ.

Бошқа қонунлардан фарқли ўлароқ, сақланиш қонунлари **таъқиқ** функциясига эга, бу қонунлар у ёки бу жараёнларнинг қандай юз бериши тўғрисида изчил кўрсатмалар бермайди, лекин қандайдир жараёнлар сақланиш қонунларини қаноатлантирумаса уни амалга оширишга нисбатан қилинган ҳамма ҳаракатлар тўла маъносиз бўлиб қолаверади. Масалан, буюк олимларнинг “абадий двигатель” яратиш бўйича уринишлари яққол мисол бўлаолади.

Классик механика қонунлари асосан ўзгариш қонунлари кўринишида бўлиб, физик катталикларнинг доимилигини ифодаламайди. Масалан, Ньютоннинг иккинчи қонуни жисмларнинг қучлар таъсирида тезлигининг ўзгаришини ифодалайди, электродинамиканинг асосий тенгламалари электр ва магнит майдонларининг ўзгаришлари ва миқдорий характеристикаларини ўзаро боғлайди.

Сақланиш қонунлари эса вакт бўйича ўзгармаслик каби ажойиб хусусиятга эга бўлган физик катталикларнинг мавжудлигига асосланади, бундай физик катталикларга масалан; импульс, импульс момент, энергия, электр зарядлари ва ҳоказолар киради.

Хар бир сақланиш қонунини материя ва ҳаракатнинг умумий сақланиш қонунининг конкрет бир кўриниши сифатида қараш керак.

У ёки бу қонуннинг ва унинг таърифини доимо ўзгармай қолади дейиш тўғри эмас масалан, ўтган асрлар давомида инсониятнинг билим ва тажрибалари чегараларининг кенгайиши ҳисобига энергиянинг сақланиш қонунига бир неча марталаб аниқлаштиришлар киритилган.

Бунга нисбийлик назариясининг яратилиши билан энергия ва масса орасидаги боғланишнинг очилиши ва массанинг жисм тезлигига боғланиши, ҳамда элементар зарралар физикасининг ривожланиши билан янги сақланиш қонунлари

(барион заряди, лептон заряди, изотопик спин, жуфтликнинг сақланиш қонунлари) киритилганлигини мисол сифатида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Сақланиш қонунларининг симметрия ҳоссалари билан боғланиши материянинг ҳамма тузилмавий сатҳлари (макроолам, микроолам) да исботланган.

Элементар зарралар назариясининг асосий қисми шу хусусиятлар таҳлили асосида қурилган. Заррача ва антизаррача, жуфтлик тушунчаларининг киритилиши ҳам симметрия ҳоссаларига боғланган.

Сақланиш қонунларининг симметрия ҳоссалари билан боғланиши шунчалик фундаменталки, уни табиатдаги умумий сақланиш ғоясининг энг тўлиқ ифодаланиши деб ҳисоблаш мумкин.

Узлуксиз таълим тизимида, айниқса умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида сақланиш қонунларини ўрганиш илмий дунёқарашни шакллантириш нуқтаи-назаридан катта аҳамиятга эга.

Сақланиш қонунларида материя ва ҳаракатнинг йўқолмаслиги, материянинг ҳар хил ҳаракат формаларининг ўзаро боғланиши ва ўзаро алмашиниши тўла ўз аксини топади.

Сақланиш қонунлари табиатнинг энг умумий қонунларидан ҳисобланади масалан, импульс ва энергиянинг сақланиш қонунлари ҳозирги кундаги ҳамма маълум физикавий жараёнларда тўла бажарилади.

Сақланиш қонунлари факат физиканинг эмас, балки табиатшуносликнинг ҳам умумий қонуни бўлганлигидан предметлараро боғланишни ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга.

Таълим тизимида сақланиш қонунларини, асосан импульс ва энергиянинг сақланиш қонунларини ўрганишда бу қонунларнинг қўлланилиш соҳаларини билишнинг жуда катта аҳамияти бор.

Шу сабабли қисқача “Ёпиқ система”, ”консерватив кучлар” тушунчаларини таърифлаб ўтамиш.

Агар физикавий системага ташқи кучлар таъсир этмаса бундай системалар ёпиқ системалар дейилади, куч майдонлари (масалан, гравитацион майдон) нинг таъсир радиусларини эътиборга олганда юқоридаги таърифнинг маълум маънода абстракт таърифлигини кўрамиз, аммо қўп ҳолларда баъзи куч майдонларининг таъсирини жуда кичиклигини эътиборга олсак юқоридаги таърифнинг ўринлилигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ёпиқ системалар ичидағи жисмлар ўзаро таъсирлашиши мумкин ва уларнинг ўзаро таъсир кучлари ички кучлар дейилади. Жисмлар системаси ёпиқ бўлса, уларга ташқи кучларнинг таъсири компенсацияланади.

Консерватив деб шундай кучларга айтиладики, уларнинг бажарган иши йўлнинг узунлигига боғлиқ бўлмасдан фақат йўлнинг бошланғич ва охирги нуқталарининг ҳолатига боғлиқ бўлади.

Консерватив кучлар таъсир қиласидан жисмлар системаси ҳам консерватив деб аталади.

Агар импульснинг сақланиш қонунини қўллашда жисмлар системасининг ёпиқ бўлиши етарли бўлса, механик энергиянинг сақланиш қонунини татбиқ этишда системанинг ёпиқ бўлишидан ташқари, унда таъсир қилувчи ички кучларнинг консерватив бўлиши ҳам талаб этилади.

Қўлланмада сақланиш қонунларининг макро ва микро дунё физикасида қўлланилишига доир мисоллар келтирилган, асосан импульс ва энергиянинг сақланиш қонунларига кўпроқ тўхтаб ўтилган.

Қўлланма динамика ва импульс ҳамда энергиянинг сақланиш қонунлари бўйича академик лицейлар дастури доирасида масалалар ечишда ўқувчиларга методик ёрдам сифатида тавсия этилади.

1-боб. Механика бўлимида динамика қисмидаги масалалар ечиш .

1.1. Академик лицейлар физика курсида динамика бўлимининг асосий қонунлари ва формулалари.

Динамикада жисмларнинг ҳаракат қонунлари шу ҳаракатни вужудга келтирувчи сабабларни эътиборга олган ҳолда ўрганилади.

Динамика икки қисмга моддий нуқта (нуқталар системаси) динамикаси ва қаттиқ жисм динамикасига бўлинади.

Моддий нуқта (нуқталар системаси) динамикаси бўлимининг содда қисми бўлганлиги учун даставвал шу қисм ўрганилади.

Жисмларнинг механик ҳаракати уларнинг ўзаро таъсир жараёнида ўзгаради. Жисмларнинг ўзаро таъсири ўлчови куч ҳисобланади, унинг таъсири натижасида жисмлар тезланиш олади ёки деформацияланади. Куч вектор катталик, сон қий-мати ва йўналишига эга. Агар моддий нуқтага бир нечта, $\vec{F}_1, \vec{F}_2, \dots, \vec{F}_n$ кучлар таъсир қилса уларнинг таъсирини шу кучларнинг тенг таъсир этувчиси ҳисобланган \vec{F} кучнинг таъсири билан алмаштириш мумкин.

$$\vec{F} = \vec{F}_1 + \vec{F}_2 + \dots + \vec{F}_n = \sum_{i=1}^n \vec{F}_i$$

Агар ташқи таъсир эътиборга олиномаса жисмлар тинч ҳолатини ва тўғри чизиқли текис ҳаракат ҳолатларини сақлайдилар.

Классик механиканинг, динамиканинг асоси Ньютоннинг учта қонуни ҳисобланади. Бу қонунлар инерциал саноқ системаларида илгариланма ҳаракатланувчи жисмлар ва моддий нуқталар учун таърифланган.

Ньютоннинг биринчи қонуни

$$\vec{F} = \sum_{i=1}^n \vec{F}_i = 0 \text{ ва } \vec{v} = \text{const}$$

Ньютоннинг иккинчи қонуни, агар кучнинг таъсири давомида масса ўзгармаган ҳолда қуйидагича ифодаланади..

$$\vec{a} = \frac{\vec{F}}{m}$$

Ньютооннинг учинчи қонуни, яъни ўзаро таъсирашаётган икки жисм бир-бири билан модуллари teng ва йўналишлари бўйича қарама-қарши бўлган кучлар билан таъсири қилади, бу кучлар ҳар ҳил жисмларга қўйилган.

Жисмларнинг механик ўзаро таъсири уларнинг эластиклиги ва бир-бирига тортишиш ҳоссаси билан боғланган. Эластиликнинг сабаби жисмларни ташкил этувчи молекулалар ва атомларнинг электр ўзаро таъсирида ҳисобланади. Эластилик кучи деб жисмларнинг шакли ва ҳажмини ўзгаришига қаршилик қилувчи ва жисмларнинг деформациясини ҳосил қилувчи кучларга айтилади.

Жисмларнинг эластик ўзаро таъсирининг содда ҳоли ипга осилган жисмнинг ип билан ўзаро таъсири, иккинчиси эса жисмларнинг сирт билан ўзаро таъсири бу ўзаро таъсири юкнинг таянчга ва таянчнинг юкга таъсирини ифоджалайди.

Бу кучни икки қисмга ажратиб қаралади, босим кучи ва таянчнинг реакция кучлари. Бу кучларнинг нормал ташкил этувчилари нормал босим кучлари дейилади. Уринма бўйлаб ташкил этувчилари ишқаланиш кучлари дейилади.

$$\vec{F}_{ish} = \mu \vec{N}$$


1.2.Академик лицейлар физика курсида динамика бўлимидан намуна сифатида ечилган масалалар.

Ньютон қонунлари асосида ечиладиган масалалар.

1.2.1. Текис ҳаракатланиб тушаётган аэростат худди шундай тезликда юқорига кўтарила бошлаши учун, аэростатдан қанча массали балластни (юкни) ташлаб юбориши керак? Аэростатнинг балласт билан массаси $m = 1600$ кг, юқорига кўтарувчи кучи $F = 1200$ кН. Юқорига кўтарилишда ва пастга тушишида ҳавонинг қаршилик кучи бирдай деб ҳисоблансин.

Ечиш:

Масала содда масала бўлиб Ньютон қонунлари асосида ишланади.



1.1- расм.

Ньютоннинг иккинчи қонунига мувофиқ ҳаракат тенгламаси ёзилади, XOY текисликда ҳаракат тенгламаларининг x ва y ўқларига проекциялари ёзилади.

$$\vec{F} + m\vec{g} + \vec{F}_k = 0, \quad \vec{F} + (m - m_x)\vec{g} + \vec{F}_k = 0$$

ёки y ўқдаги проекцияси $F - mg + F_k = 0$; $F - F_k - (m - m_x)g = 0$ га тенг.

Бу ерда биринчи тенглама аэростатнинг тушишини, иккинчиси эса кўтарилишини кўрсатади.


Қавсларни очиб, биринчи тенгламани иккинчиси билан қўшиб, қуйидагини оламиз:

$$m_x = \frac{2(mg - F)}{g} = 2 \left(m - \frac{F}{g} \right); \quad m_x = 752 \text{ кг.}$$

1. 2.2. Ипга массаси $m=1$ кг бўлган юк осилган. Агар юк осилган ип $1) a=5 \text{ м /сек}^2$ тезланиш билан юқорига кўтарилаётган бўлса, 2) худди шундай $a=5 \text{ м /сек}^2$ тезланиш билан пастга тушаётган бўлса ипнинг T таранглик кучлари аниқлансин.

Ечиш:

Масалада берилган чизма бўйича иккала ҳол учун Ньютоннинг иккинчи қонунини қўллаймиз: Жисмга таъсир қилаётган оғирлик ва таранглик кучларининг йўналишларини эътиборга олган ҳолда ҳаракат тенгламаларини ёзамиз.



1.2- расм.

$$1) \vec{T} = m\vec{g} + m\vec{a} \quad \text{ёки} \quad T - mg = ma \quad \text{бундан } T = mg + ma_1 = m(a_1 + g); \quad T = 14,8 \text{ н.}$$

$$2) \vec{T} = m\vec{g} + m\vec{a} \quad \text{ёки} \quad -mg + T = -ma_2 \quad \text{Бундан } T = mg - ma_2 = m(g - a_2); \quad T = 4,8 \text{ н}$$

1.2.3. Ипга тош осилган. Бу тошни $a_1 = 2 \text{ м /сек}^2$ тезланиш билан юқорига кўтарилиганда, ипнинг узилиб кетиши мумкин бўлган таранглик кучидан икки марта кичик Т таранглик кучи ҳосил бўлган. Ип узилиб кетиши учун бу тошни қандай a_2 тезланиш билан юқорига кўтариш керак?

Ечиш:

Бу масалани ечиш учун Ньютоннинг иккинчи қонунини икки ҳол учун скаляр кўринишда ёзамиз:

$$T_1 - mg = ma_1 \quad (1) \qquad T_2 - mg = ma_2 \quad (2)$$


Бу ҳолда $T_2 = 2T_1$, у ҳолда (2) тенгламани қўйидагича ёзиш мумкин:
 $2T_1 - mg = ma_2$ бундан $T_1 = ma_2 - ma_1 = m(a_2 - a_1)$.

T_1 нинг қийматини (1) га қўйиб, $m(a_2 - a_1) - mg = ma_1$, бундан

$$a_2 = 2a_1 + g; \quad a_2 = 13,8 \text{ м/сек}^2.$$

1.2.4. Массаси $m = 1020$ кг бўлган автомобиль $t = 5$ сек тормозлангандан кейин текис секинланувчан ҳаракат қилиб, $S = 25$ м масофани ўтиб тўхтайди.

1) Автомобилнинг v_0 бошланғич тезлиги, 2) тормозланиш кучи F топилсин.



1.3.- расм

Ечиш:

Масалани ечиш учун текис секинланувчан ҳаракат тенгламалари ва Ньютоннинг иккинчи қонунидан фойдаланамиз.

Ньютоннинг иккинчи қонунини вектор формада $\vec{F} = m\vec{a}$ ёки x ўқдаги проекцияси кўринишида $F = ma$ - (1). кўринишда ёзамиш.

Автомобилнинг текис секинланувчан ҳаракат тенгламаси $S = v_0 t - \frac{at^2}{2}$ - (2);

$$v = v_0 - at \quad (3).$$

Автомобилнинг охирги тезлиги $v = 0$, (3) эканлигидан автомобилнинг бошланғич тезлиги $v_0 = at$. ни аниқлаймиз.

Бу ифодани (2) га қўйиб, $a = \frac{2S}{t^2}$ - (4) ни топамиш.

(4) ни (1) га қўйиб, $F = \frac{2Sm}{t^2}$ ни оламиш. $F = 2040 = 2,04 \text{ кН}$.

$$v_0 = \frac{2S}{t}; \quad v_0 = 10 \text{ м/сек} = 36 \text{ км/соат}.$$

1.2. 5. 500 т массали поезд тормозланганда текис секинланувчан ҳаракат қилиб 60 с. давомида тезлигини 40 км /соат дан 28 км /соат гача камайтирган. Тормозланиш кучи топилсин.

Ечиш:

Ньютоннинг иккинчи қонунини қуидаги күринишда ёзамиз:

$$\vec{F} = \frac{\Delta \vec{P}}{\Delta t}, \text{ бундан } \Delta \vec{p} = \vec{F} \Delta t \text{ ёки } m \Delta v = \vec{F} \Delta t.$$


Охирги тенгламани қуидаги күринишда ёзамиз: $m(v_1 - v_2) = -F \Delta t$.

Бундан $\Delta t = t$, $F = m \frac{v_1 - v_2}{t}$. Сон қийматларни қўйиб, $F = 27,7 \cdot 10^4$ Н ни оламиз.

1.2.6. Рельсда турган вагон текис тезланувчан ҳаракат қилиб, $S = 11$ м йўлни $t = 30$ сек да ўтиши учун унга қандай куч таъсир қилиши керак? Вагоннинг массаси $m = 16T$. Ҳаракат вақтида унга, ўз оғирлигининг 0,05 қисмига тенг бўлган ишқаланиш кучи таъсир қиласди.

Ечиш:

Масалани ечишда вагоннинг текис секинланувчан ҳаракати тенгламалари ва Ньютоннинг иккинчи қонунидан $\vec{F} + \vec{F}_{ишк} = m\vec{a}$ ёки тенгламанинг x ўқдаги проекциясини ёзамиз



1.4.-расм.

$$F - F_{ишк} = ma, \text{ бундан } F = ma + F_{ишк}.$$

Текис тезланувчан ҳаракат тенгламаси $v_0 = 0$, йўл $S = \frac{at^2}{2}$, бундан $a = \frac{2S}{t^2}$.

Ишқаланиш шартидан $F_{ишк} = 0,05mg$, у ҳолда $F = m \frac{2S}{t^2} + 0,05mg$, $F = 8,2$ кН.

1.2.7. $m = 20$ Т. массали вагон $a = -0,3 \text{ м /сек}^2$ ўзгармас манфий тезланиш билан ҳаракат қиласы. Вагоннинг бошланғич тезлиги $v_0 = 54 \text{ км /соат}$. Вагонга қандай тормозланиш F кучи таъсир қиласы? Вагон қанча t вақтдан кейин түхтайди? Вагон түхтагунча қанча S масофани босиб ўтады?

Ечиш:

Масалани ечишда текис секинланувчан ҳаракат тенгламалари, Ньютон нинг 2- қонуни дан фойдаланамиз.

Ньютоннинг иккинчи қонунига кўра $\vec{F} = m\vec{a}$ ёки ҳаракат йўналиши проекцияси $-F = -ma$, бунда тормозланиш йўли $F = 6 \text{ кН}$ абсолют катталикка тенг.


Вагоннинг тезланиши $a = \frac{v - v_0}{t}$, лекин $v = 0$,

бундан $a = -\frac{v_0}{t}$. $t = -\frac{v_0}{a}$; $t = 50 \text{ сек.}$

Ўтилган йўл, $a < 0$, $S = v_0 t - \frac{at^2}{2}$; $S = 375 \text{ м.}$

1.2.8. $v = 600 \text{ м/ сек}$ тезлик билан учаётган $m = 4,65 \cdot 10^{-26} \text{ кг}$ массали молекула деворга ўтказилган нормалга нисбатан идиш деворига $\alpha = 60^\circ$ бурчакда урилади ва шундай бурчакда тезлигини ўзгартирмай эластик қайтади. Урилиш вақтида идиш деворига берилган куч импульси $F\Delta t$ топилсин.

Ечиш:



1.5.-расм.

Ньютоннинг иккинчи қонуни кўра $F\Delta t = m\Delta v$.

Ташқи деворга нормалнинг йўналиши мусбат деб ҳисоблаб, қуидагини ҳосил қиласиз:


$$\Delta v = v_2 \cos \alpha - (-v_1 \cos \alpha); \quad v_1 = v_2 = v \quad \text{шартга} \quad \text{кўра} \quad \text{ва}$$

$$\Delta v = 2v \cos \alpha. \quad \Delta v = v_2 \cos \alpha + v_1 \cos \alpha.$$

Шундай қилиб, $F\Delta t = 2mv \cos \alpha$; $F\Delta t = 2,8 \cdot 10^{-23} \text{ Н}\cdot\text{сек.}$

1.2.9. Бирор баландликдан вертикал тушаётган $m = 0,1 \text{ кг}$ оғирликдаги шарча қия текисликка урилади ва тезлигини ўзгартирасдан текисликдан эластик қайтади. Текисликнинг горизонтга нисбатан қиялиги $\alpha = 30^\circ$ га teng. Урилиш вақтида текисликнинг олган куч импульси $F\Delta t = 1,73 \text{ Н}\cdot\text{сек}$ га teng. Шар текисликка урилгандан қанча t вақт ўтгач, траекториясининг энг юқори нуқтасида бўлади?

Ечиш:



1.6.-расм.

Импульснинг сақланиш қонунидан $F\Delta t = 2m\Delta v$;

$$\text{бунда } \Delta v = v_1 \cos \alpha - (-v_2 \cos \alpha); \quad \Delta v = \cos \alpha (v_1 + v_2); \quad v_1 = v_2 = v,$$

бу ердан $\Delta v = 2v \cos \alpha..$

У холда $F\Delta t = 2mv \cos \alpha - \quad (1).$ Расмдан кўриниб турибдики,

$$v_y = v \sin \left[\frac{\pi}{2} - 2\alpha \right] - gt = v \cos 2\alpha - gt;$$

юқориги нуқтада $v_y = 0.$

Күриниб турибдики $v \cos 2\alpha = gt$, бу ерда $t = \frac{v \cos 2\alpha}{g}$.

(1) дан $v = \frac{F\Delta t}{2m \cos \alpha}$ ни топамиз.

У ҳолда $t = \frac{F\Delta t \cos 2\alpha}{2mg \cos \alpha}$; $t = 0,51$ сек.

1.2.10. Кесим юзи $S = 6 \text{ см}^2$ бўлган сув оқими деворга нормалга нисбатан $\alpha = 60^\circ$ бурчакда урилади ва тезлигин ўзгартирмасдан девордан эластик қайтади. Агар сув оқиминиг тезлиги $v = 12$ м/сек бўлса, деворга таъсир қилувчи куч топилсин.

Ечиш:

Δt вақт давомида деворга урилаётан сувнинг массаси $m = lS\rho = Sv\Delta t\rho$ - (1), бунда S - оқимнинг кўндаланг кесим юзи, ρ - сувнинг зичлиги.

Импульснинг сақланиш қонунидан $F\Delta t = 2m\Delta v$; бу ерда $F = \frac{m\Delta v}{\Delta t}$ - (2).

Олдинги масаладан $\Delta v = v_1 \cos \alpha - (-v_2 \cos \alpha) = \cos \alpha (v_1 + v_2)$ га эга бўламиз.

Шартга кўра $v_1 = v_2 = v$, бундан $\Delta v = 2v \cos \alpha$. - (3). (1) ва (3) ни (2) га

$$\text{кўйиб, } F = \frac{Sv \Delta t \rho \cdot 2v \cos \alpha}{\Delta t} = 2Sv^2 \rho \cos \alpha; F = 86 \text{ H.}$$

Кўрсатма. t вақт ичидаги деворга узунлиги $l = vt$ ва кўндаланг кесим юзи S бўлган цилиндрдаги сув массасининг урилиши назарга олинсин., яъни $m = \rho Svt$, бунда ρ - сувнинг зичлиги.

1.2.11. Трамвай жойидан қўзғалгандан кейин $a = 0,5 \text{ м/сек}^2$ ўзгармас тезланиш билан ҳаракатланади. Ҳаракат бошлангандан $t = 12$ сек ўтгач трамвайнинг мотори ўчирилади ва трамвай тўхташ жойигача текис секинланувчан ҳаракатланади. Бутун йўл бўйича ишқаланиш коэффициенти $k = 0,01$ га тенг. Трамвайнинг энг катта тезлиги, трамвай тўхтагунча ўтган t вақт, текис секинланувчан ҳаракатда трамвайнинг a_2 манфий тезланиши ва трамвай тўхтагунча босиб ўтилган йўли S топилсин.

Ечиш:

$t_1 = 12$ сек ва тезлик $v = at$; $v = 0,5 \cdot 12 = 6$ м/сек да трамвай энг катта тезлика эришади.

Текис тезланувчан ҳаракатда босиб ўтилган йўл $S = \frac{a_1 t_1^2}{2}$ - (1),

текис секинланувчан ҳаракатда $S = vt_2 - \frac{a_2 t_2^2}{2}$ - (2).

Ньютоннинг иккинчи қонунига мувофиқ $-F_{\text{уик}} = k mg = ma_2$;

$$a_2 = \frac{-kmg}{m} = kg; a_2 = -0,098 \text{ м/сек}^2.$$

Йўлнинг иккинчи қисмida: $v = a_2 t_2$, бундан $t_2 = \frac{-v}{a_2}$; $t_2 = 61,2$ сек.

Унда ҳаракатланиш вақти $t = t_1 + t_2 = 73,2$ сек. (1) тенгламадан $S_1 = 36$ м.

(2) тенгламадан $S_1 = 183,7$ м. Умумий йўл $S = S_1 + S_2 = 219,7$ м.

1.2.12. Автомобилнинг массаси $m = 1T$. Автомобиль ҳаракатланаётганда унга ўз оғирлигининг 0,1 қисмига тенг бўлган ишқаланиш кучи $F_{\text{уик}}$ таъсир қиласди.

- 1) Автомобиль текис ҳаракатланганда моторининг тортиш кучи F қанча бўлиши керак?
- 2) Автомобиль $a = 2$ м/сек² тезланиш билан ҳаракат қилгандачи?

Ечиш:


1) Тўғри чизиқли ҳаракатда тезланиш $a = 0$, ҳаракат тенгламаси Ньютоннинг иккинчи қонунига мос равища: $F - F_{\text{уик}} = 0$,
бундан $F - F_{\text{уик}} = 0,1mg$; $F = 980$ Н.

2) Ньютоннинг иккинчи қонунидан: $F - F_{\text{уик}} = ma$, бундан
 $F = ma + F_{\text{уик}} = m(a + 0,1g)$; $F = 2,98$ кН.

1.2.13. Трамвай вагонининг шипига маҳкамланган ипга шар осилган. Вагон тормозланганда, унинг тезлиги, $\Delta t = 3$ сек вақт оралиғида $v_1 = 18$ км/соат дан

$v_2 = 6$ км /соат гача бир текисда ўзгаради. Бунда шар осилган ип қандай α бурчакка оғади?

Ечиш:



1.7.- расм.

Шарнинг вазиятини вагоннинг шипига боғланган саноқ системасида қараймиз. Вагон қанча тезланиш билан ҳаракатланмасин, система инерциал бўлади. Ҳаракат тенгламаси вектор қўринишида қўйидагича ёзилади: $\vec{T} + m\vec{g} + \vec{F}_u = 0$ - (1), бу ерда $\vec{F}_u = -ma$, у ҳолда (1) тенгламанинг x ўқдаги проекцияси $T \sin \alpha = ma$ - (2) ва у ўқда $T \cos \alpha - mg = 0$ - (3). (2) ни (3) га бўлиб,

$$\tan \alpha = \frac{a}{g}, \text{ бунда } a = \arctg \frac{a}{g} \text{ ёки } a = \frac{\Delta v}{t} \text{ эканлигини ҳисобга олиб, } a = \arctg \frac{\Delta v}{gt}.$$

Сон қийматларни қўйиб, $\alpha = 6^{\circ} 30'$ ни топамиз.

1.2.14. Темир йўл вагони тормозланганда, унинг тезлиги $\Delta t = 3,3$ вақт оралиғида $v_1 = 47,5$ км /соат дан $v_2 = 30$ км /соат гача бир текисда ўзгаради. Вагон тормозланганда, полкадаги чамадон силжий бошлиши учун, чамадон билан полка орасидаги ишқаланиш коэффициенти k нинг чегаравий қиймати қандай бўлиши керак?

Ечиш:

Масалани ноинерциал саноқ системасида ечамиш. Ҳаракат тенгламаси $0 = \vec{F}_{ишк} + \vec{F}_i$ ёки x ўқдаги проекцияси $0 = F_{ишк} + ma$, бу ерда $a = \frac{v_1 - v_2}{t}$; $F_{ишк} = kmg$. У ҳолда $kmg = \frac{m(v_1 - v_2)}{t}$; $k = \frac{v_1 - v_2}{gt}$. Сон қийматларни

күйиб, $k = 0,15$ ни ҳосил қиласиз, яъни $k \leq 0,15$ бўлганда чемадон силжий бошлайди.

Столда ётган арқоннинг осилиб турган қисмининг узунлиги унинг бутун узунлигининг $\left(\frac{l}{4}\right) 25\%$ ини ташкил қилганда, у сирғаниб туша бошлайди.

Арқоннинг столга ишқаланиш коэффициенти k нимага teng?

Арқоннинг бирлик узунлигини m_1g билан белгилаймиз. У ҳолда арқоннинг

осилиб турган қисмининг оғирлиги $\frac{m_1g}{4}$ га teng. Арқоннинг столда ётган


қисмига таъсир қилувчи куч $F_{ишк} = \frac{3km_1gl}{4}$. Шундай қилиб, $\frac{m_1g}{4} = \frac{3km_1gl}{4}$, бундан

$$k = 0,33.$$

1.2.15. Автомобилнинг массаси $m = 1T$. Автомобиль ҳаракатланаётганда унга ўз оғирлигининг 0,1 қисмига teng бўлган ишқаланиш кучи $F_{ишк}$ таъсир қилади. Агар автомобиль ўзгармас тезлик билан: 1) қиялиги ҳар 25 м йўлда 1 м баландликка кўтариладиган тоққа чиқаётган бўлса, 2) худди шу қияликдаги тоғдан тушаётган бўлса, автомобиль моторининг тортиш кучи F топилсин.

Ечиш:

Автомобилнинг ҳаракат тенгламаси вектор кўринишида



1.8.- расм.

$$-ma = m\vec{g} + \vec{N} + \vec{F}_{ишк} + \vec{F}; v = \text{const}, \text{ бундан } a=0.$$

1) х ўқдаги проекцияси: $0 = -mg \sin\alpha - F_{\text{ишк}} + F$, у ўқда: $0 = N - mg \cos\alpha$, бу ерда

$$\sin\alpha = \frac{h}{l} = 0,04, \cos\alpha = 0,999, \quad \text{бу ерда} \quad N = mg \cos\alpha. \quad \vec{F} = kN = kmg \cdot \cos\alpha;$$


$$F = mg \sin\alpha + kmg \cos\alpha; \quad F = mg(\sin\alpha + k \cos\alpha) \quad \text{ёки} \quad F = 1,37 \text{ кН.}$$

2) х ўқдаги проекцияси: $0 = F + mg - F_{\text{ишк}}$, у ўқда: $N = mg \cos\alpha$. $F = F_{\text{ишк}} - mg \sin\alpha$; $F = kmg \cos\alpha - mg \sin\alpha$; $F = mg(k \cos\alpha - \sin\alpha)$. $F = 590 \text{ Н.}$

1.2.16. Қиялиги ҳар 25 м йўлда 1 м баландликка кўтариладиган токқа $a = 1 \text{ м/ сек}^2$ тезланиш билан чиқаётган автомобиль моторининг тортиш кучи топилсин. Автомобилнинг массаси $m = 1 \text{ тонна}$ ва ишқаланиш коэффициенти 0,1 га тенг.

Ечиш:

Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан $F - mgsin\alpha - F_{\text{ишк}} = ma$ - (1) бунда



1.9.-расм.

$\sin\alpha = h/l$ - (2). (2) тенгламани хисобга олиб, (1) дан $F = ma + mgsin\alpha + F_{\text{ишк}}$

$$\text{автомобиль моторининг тортиш кучи } F = m \left(a + \frac{hg}{l} + 0,1g \right); \quad F = 2,37 \text{ кН.}$$

1.2.17. Жисм қиялиги горизонт билан $\alpha = 4^\circ$ бўлган текисликда ётибди. Жисмнинг қия текисликда сирғана бошлиши учун ишқаланиш коэффициенти k қандай чегаравий қийматга эга бўлиши керак? Агар ишқаланиш коэффициенти $k = 0,03$ бўлса, жисм қандай тезланиш билан сирғаниди? Шундай шароитда жисм $S = 100$ метр йўлни қанча t вақтда ўтади? 4) Шу 100 м йўлнинг охирида жисм қандай тезликка эришади?

Ечиш:

Тинч турган жисм учун Ньютоннинг иккинчи қонунининг x ўқдаги проекцияси $mg \sin \alpha - F_{\text{ишк}} = 0$, бу ерда $F_{\text{ишк}} \geq kmg$, Бундан $mg \sin \alpha = kmg; k = \sin \alpha; k \leq 0,07$. Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан текис тезланувчан ҳаракат $mg \sin \alpha - F_{\text{ишк}} = mg$ ёки $\sin \alpha - kmg = ma$, бундан

$$a = g(\sin \alpha - k); \quad a = -0,39 \text{ м/сек}^2. \text{ Босиб ўтилган йўл } S = \frac{at^2}{2}, \text{ бундан } t = \sqrt{\frac{2s}{a}};$$

$t=22,6$ сек. Тезлик $v=at; v=88$ м /сек.

1.2.18. Жисм горизонт билан $\alpha=45^0$ бурчак ташкил қилган қия текислиқда сирғаниб тушмоқда. Жисм $S = 36,4$ см масофани ўтганда $v=2$ м /сек тезликка эришади. Жисмнинг текисликка ишқаланиш коэффициенти k топилсин.

Ечиш:

Ньютоннинг иккинчи қонунининг x ўқдаги проекциясини ёзамиш:

$$mg \sin \alpha - F_{\text{ишк}} = ma, \text{ ёки } mg \sin \alpha - kmg \cos \alpha = ma, \text{ бундан } k = \frac{g \sin \alpha - a}{g \cos \alpha} - (1). \text{ Тезлик}$$

$$v = at; t = \frac{v}{a} - (2). \text{ Ўтилган йўл } S = \frac{at^2}{2}, \text{ (2)ни хисобга олиб } S = \frac{av^2}{2a^2} = \frac{v^2}{2a}, \text{ бундан}$$

$$a = \frac{v^2}{2S} - (3). \quad (3) \quad \text{ни} \quad (1) \quad \text{га} \quad \text{қўйиб} \quad \text{қуйидагини} \quad \text{хосил} \quad \text{қиласиз:}$$

$$k = \frac{g \sin \alpha - v^2/2S}{g \cos \alpha}. k = \frac{2gS \sin \alpha - v^2}{2gS}; k = tg \alpha - \frac{v^2}{2gS \cos \alpha}; k = 0,2.$$

1.2.19. Жисм горизонт билан $\alpha=45^0$ бурчак ташкил қилган қия текислиқда сирғаниб тушмоқда. Жисм ўтган S йўлнинг t вақтга боғланиши $S = Ct^2$ тенглама билан берилган, бунда $C = 1,73$ м /сек 2 . Жисмнинг текисликка ишқаланиш k коэффициенти топилсин.

Ечиш:

Тезланишни босиб ўтилган йўлнинг вақт бўйича иккинчи тартибли хосиласидан топамиш: $a = \frac{d^2 s}{dt^2} = 3,46$. Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан

$mg \sin \alpha - F_{\text{ишк}} = ma$. $F = kmg \cos \alpha$ бўлганидан $mg \sin \alpha - kmg \cos \alpha = ma$ бундан

$$k = \frac{mg \sin \alpha - ma}{mg \cos \alpha}; k = \frac{g \sin \alpha - a}{g \cos \alpha}; k = 0,5.$$


1.2.20. Массалари $m_1 = 2$ кг ва $m_2 = 1$ кг бўлган тошлар бир – бирига ип билан бирлаштирилиб, вазнисиз блокка осилган.

Тошларнинг ҳаракат тезланиши a , ипнинг таранглик кучи T топилсин. Блокка бўлган ишқаланиш ҳисобга олинмасин.

Ечиш:

Фараз қилайлик, ип вазнисиз ва таранг тортилмаган. Ипдан Δm элемент оламиз ва ҳаракат тенламасини у ўқидаги проекциясини ёзамиз: $\Delta ma = T - T_1$. $\Delta m = 0$, $T = T_x$ бўлгани каби яъни, ипнинг тортишиш кучи ҳамма нуқталарда бир хил. Юкларнинг ҳаракат тезланиши ҳам бир хил, юклар ипнинг таранг тортилмаганлигидан бир вақтнинг ўзида бир хил масофа босиб ўтади, яъни $S_1 = \frac{a_1 t^2}{2}$; $S_2 = \frac{a_2 t^2}{2}$; $S_1 = S_2$ бундан $a_1 = a_2$.

Лекин a_1 ва a_2 векторларнинг йўналиши қарама - қарши.



1.10- расм.

Биринчи ва иккинчи тошларнинг у ўқидаги проекцияси учун Ньютооннинг иккинчи қонунини ёзамиз: $\begin{cases} m_1 g - T = m_1 a & (1) \\ m_2 g - T = -m_2 a & (2) \end{cases}$ (1) ва (2) дан


$$a(m_1 + m_2) = g(m_1 - m_2), \quad \text{бундан} \quad a = \frac{g(m_1 - m_2)}{m_1 + m_2} - (3). \quad (3)\text{ни} \quad (1)\text{га} \quad \text{куйиб},$$

$$\frac{m_1g(m_1 - m_2)}{m_1 + m_2} = m_1g - T, \quad T = m_1g \left(1 - \frac{m_1 - m_2}{m_1 + m_2}\right); \quad T = m_1g \left(\frac{m_1 + m_2 - m_1 + m_2}{m_1 + m_2}\right);$$

$$T = m_1g \left(\frac{2m_2}{m_1 + m_2}\right) = \frac{2gm_1m_2}{m_1 + m_2}. \text{ Сон қийматларни қўйиб, } T = 13H; a = 3,27 \text{ м /сек}^2.$$

1.2.21. Вазнисиз блок столнинг қиррасига маҳкамланган. Массалари $m_1 = m_2 = 1\text{ кг}$ бўлган 1 ва 2 тошлар бир – бирига ип билан бирлаштирилиб, блокка осилган. 2 тошнинг столга ишқаланиш коэффициенти $k = 0,1\text{ га}$ тенг. Тошларнинг ҳаракат тезланиши a , ипнинг T тортишиш кучи топилсин. Блокдаги ишқаланиш ҳисобга олинмасин.

Ечиш:



1.11- расм.

Иккала жисм ҳаракат йўналиши проекцияси учун Ньютоннинг иккинчи қонунини ёзамиз: $mg - T_1 = m_1a$ - (1); $T_2 - F_{\text{уик}} = m_2a$ - (2). $T_1 = T_2 = T$ га эга бўламиз (2.30 масалага қаранг).(1)ва (2) ни қўшиб, $F = km_1g$ эканлигини ҳисобга олиб

$$m_1g - kmg = a(m_1 + m_2), \text{ ни ҳосил қиласиз. Бундан } a = g \frac{m_1 - km_2}{m_1 + m_2} - (3); a = 4,4 \text{ м}$$

/сек². (3) ни (1) га қўйиб, Т орқали


$$\text{ифодалаймиз: } T = m_1(g - a); T = m_1 \left(g - g \frac{m_1 - km_2}{m_1 + m_2}\right); T = m_1g \left(1 - \frac{m_1 - km_2}{m_1 + m_2}\right);$$

$$T = m_1 g \left(\frac{m_1 + m_2 - m_1 + km_2}{m_1 + m_2} \right); \quad T = m_1 g \frac{m_2(1+k)}{m_1 + m_2}; \quad T = g \frac{m_1 m_2 (1+k)}{m_1 + m_2}. \quad \text{Сон қийматларни}$$

$$\text{күйиб, } T_1 = T_2 = \frac{m_1 m_2 (1+k)g}{m_1 + m_2} = 5,4 \text{ H.}$$

1.2.22. Горизонт билан $\alpha=30^0$ бурчак ташкил қилган қия текисликнинг энг юқори чўққисига вазнсиз блок маҳкамланган. Массалари $m_1 = m_2 = 1\text{ кг}$ бўлган 1 ва 2 тошлар бир – бирига ип билан бирлаштирилиб, блокка осилган. Тошларнинг ҳаракат тезланиши a , ипнинг таранглик кучи T топилсин. Блокдаги ишқаланиш, худди шунингдек 2 тошнинг қия текисликка ишқаланиши ҳисобга олинмасин.

Ечиш:



1.12- расм.


$m_1 = m_2 = m$ бўлсин. Биринчи ва иккинчи тошларнинг ҳаракат йўналиши проекцияси учун Ньютоннинг иккинчи қонунини ёзамиз:

$$\begin{cases} mg - T = ma & (1) \\ T - mg \sin \alpha = ma & (2) \end{cases}$$

(1) дан $T = m(g - a)$ - (3). (3) ни (2) га қўйиб, $g(1 - \sin \alpha) = 2a$

ни ҳосил қиласиз. Бундан $a = g(1 - \sin \alpha)/2$. Сон қийматларни қўйиб, $a = 2,45 \text{ м/сек}^2$; $T = 7,35 \text{ H}$.

1.2.23. Олдинги масалани 2 тошнинг қия текисликка ишқаланиш коэффициенти $k = 0,1$ га teng бўлган шарт билан ечилсин. Блокдаги ишқаланиш ҳисобга олинмасин. **Ечиш:**



1.13- расм.


Берилган к қийматда жисм сирғансин. Биринчи тош учун Ньютоннинг иккинчи қонуенинг тенгламаси ўзгаришсиз қолади, иккинчиси учун ишқаланиш кучи ҳосил бўлади: $F_{\text{ишк}} = kmg \cos \alpha$;

$mg - T = ma$ - (1); $T - mg \sin \alpha - F_{\text{ишк}} = ma$ - (2) (1) ни T орқали ифодалаймиз: $T = mg - ma$ - (3). (3) ни (2) га қўйиб, ани ни топамиз: $mg - ma - mg(\sin \alpha + k \cos \alpha) = ma$; $g(1 - \sin \alpha - k \cos \alpha) = 2a$; $a = \frac{g(1 - \sin \alpha - k \cos \alpha)}{2}$. (3) дан $T = m(g - a)$. Соң қийматларни қўйиб, $a = 2,02$ м /сек²; $T = 1(9,8 - 2,02) = 7,78$ Н.

1.2.24. Горизонт билан $\alpha = 30^\circ$ ва $\beta = 45^\circ$ бурчак ташкил қилган иккита қия текисликнинг энг юқори чўққисига вазнсиз блок маҳкамланган .

Массалари $m_1 = m_2 = 1$ кг бўлган 1 ва 2 тошлар бир – бирига ип билан бирлаштирилиб, блокка осилган. Тошларнинг ҳаракат тезланиши a , ипнинг таранглик кучи T топилсин. 1 ва 2 тошларнинг қия текисликларга нисбатан ишқаланиши, худди шунингдек блокдаги ишқаланиш ҳисобга олинмасин.

Ечиш:




1.14-расм.

$m_1 = m_2 = m$ бўлсин. Тошларнинг ҳаракат йўналиши проекцияси учун Ньютоннинг иккинчи қонунини ёзамиз: $mg \sin \beta - T = ma$ - (1). $T - mg \sin \alpha = ma$ - (2). (1) ва (2) ни қўшиб, $mg(\sin \beta - \sin \alpha) = 2ma$ ни оламиз, бундан $a = \frac{g(\sin \beta - \sin \alpha)}{2}$. (2) дан $T = ma + mg \sin \alpha$; $T = \frac{mg(\sin \beta - \sin \alpha)}{2} + mg \sin \alpha$; $T = mg \frac{(\sin \beta + \sin \alpha)}{2}$. Соң қийматларни қўйиб, $a = 1,03$ м /сек²; $T = 5,9$ Н.

1.2.25. Олдинги масалани 1 ва 2 тошларнинг қия текисликларга ишқаланиш коэффициенлари $k_1 = k_2 = 0,1$ га тенг бўлган шарт учун ечилсин. Блокдаги ишқаланиш ҳисобга олинмасин. Бу масаланинг ечимини берувчи формуладан хусусий ҳолларда 2. 30 – 2. 34 масалаларнинг ечимини олиш мумкинлиги кўрсатилсин.

Ечиш:



1.15- расм.

Берилган k қийматда жисм сирғансин. Ишқаланишни ҳисобга олганда ҳаракат йўналиш проекциясида Ньютоннинг иккинчи қонуни тенгламаси

$$\begin{aligned} \text{куйидаги} & \quad \text{кўринишда} & \text{ёзилади:} & \quad m_1 g \sin \beta - T_1 - F_{\text{уик}} = m_1 a \\ & & & \quad T_2 - m_2 g \sin \alpha - F_{\text{уик}} = m_2 a \end{aligned}$$

$m_1 g \sin \beta - T_1 - km_1 g \cos \beta = m_1 a - (1)$
 $T_2 - m_2 g \sin \alpha - km_2 g \cos \alpha = m_2 a - (2)$. Шундай қилиб, $T_1=T_2$ у ҳолда (1) ва (2) ни

қўшиб, $m_1 g \sin \beta - m_2 g \sin \alpha - km_1 g \cos \beta - km_2 g \cos \alpha = a(m_1 + m_2)$;

$$m_1 g (\sin \beta - k \cos \alpha) - m_2 g (\sin \alpha + k \cos \beta) = a(m_1 + m_2), \quad \text{бундан}$$

$$a = g \frac{m_1 (\sin \beta - k \cos \alpha) - m_2 (\sin \alpha + k \cos \beta)}{m_1 + m_2} - (3). \quad (2) \text{ дан } T_2 = m_2 a + m_2 g \sin \alpha + km_2 g \cos \alpha$$

НИ ТОПАМИЗ ВА (3) ГА КЎЯМИЗ:

$$T_2 = m_2 g \frac{m_1 (\sin \beta - k \cos \alpha) - m_2 (\sin \alpha + k \cos \beta)}{m_1 + m_2} + m_2 g (\sin \alpha \cos \beta);$$

$$T_2 = m_2 g \frac{m_1 (\sin \beta - k \cos \alpha) - (\sin \alpha + k \cos \beta)(m_2 - m_1 - m_2)}{m_1 + m_2};$$

$$T_2 = gm_1 m_2 \frac{\sin \beta - k \cos \beta + \sin \alpha + k \cos \alpha}{m_1 + m_2}; \quad T_2 = gm_1 m_2 \frac{\sin \alpha + \sin \beta + (k \cos \alpha - \cos \beta)}{m_1 + m_2};$$

$$T_2 = \frac{m_1 m_2 (\sin \alpha + \sin \beta + (k \cos \alpha - \cos \beta))}{m_1 + m_2} g. \quad \text{Сон қийматларни қўйиб, } T_1=T_2=6 \text{ H,}$$

$$a=0,244 \text{ м /сек}^2.$$

2-боб. Механикада импульс ва унинг сақланиш қонунини ўрганиш

2. 1. Импульснинг сақланиш қонуни.

19-асрнинг охирларида бир неча ўн йиллар давомида буюк философ, физик ва математик олимлар Лейбниц ва Декарт орасида ҳаракатнинг ўлчови сифатида импульс (ҳаракат миқдори) ва энергиянинг (Лейбниц талқини бўйича “Тирик куч”) қайси бирини қабул қилиш тўғрисида илмий баҳс давом этган ва бу баҳснинг ечимига шу даврнинг кўплаб йирик олимлари ҳам тортилган.

Баҳснинг ечими фақат 19-аср охирида энергиянинг сақланиш қонуни очилгандан сўнггина топилган ва ҳаракат ўлчови сифатида импульс ва энергиянинг бирдай муҳим аҳамиятга эгалигига тўла ишонч ҳосил қилинган.

Замонавий табиатшунослик фанларининг эришган натижалари юкоридаги ҳолосаларнинг тўла асосланганлигини тасдиқлади.

Сақланиш қонунлари тўғрисидаги фикрларни баён этишни импульснинг сақланиш қонунидан бошлаймиз.

Бу қонунга асосан инерциал саноқ системасида зарраларнинг ёпик системасининг натижавий импульси сақланади.

Маълумки ,физиковий қонунлар фақат инерциал саноқ системаларида гина бир ҳил таърифланади. Ҳар ҳил ноинерциал саноқ системаларига нисбатан улар ҳар ҳил ифодаланиши мумкин. Шунинг учун физиковий ҳодисаларни ўрганишда инерциал саноқ системаларини танлаш мақул бўлади ва келгусида фақат инерциал системаларга нисбатан жисмлар ҳаракатини ўрганишни баён этамиз.

Умумий ўрта таълим мактаблари физика фани ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларида ҳам шу принципга асосланилган, шу сабабли физика фани ўқитувчилари бу масалага ва ўқувчиларда инерциал саноқ системалари тўғрисидаги тушунчаларни шакллантирилишига жиддий эътибор қаратишлари эарур деб ҳисоблаймиз.

Заррачанинг (жисмнинг) импульси деб $\vec{p} = m\vec{v}$ вектор катталикга айтилади.

Импульснинг ўзгаришини билган ҳолда заррачага таъсир қилаётган кучни аниқлаш мумкин.

$$\vec{F} = \frac{\Delta \vec{p}}{\Delta t} \quad (2.1.1)$$

Демак, куч импульснинг ўзгариш тезлигини ифодалайди. Агар жисмга таъсир қилувчи куч нолга teng бўлса импульснинг ўзгариши ҳам нол бўлади. Бу Ньютон-нинг биринчи қонунидир.

Албатта умумий ўрта таълим мактабларида Ньютоннинг биринчи қонуни бошқачароқ таърифланади, мактаб ўқитувчилари куч ва импульс тушунчаларининг ўзаро боғланишини ўқувчиларга бу нуқтаи-назардан ҳам тушунтиурса, уларда Ньютон 1-қонуни тўғрисида мукаммалроқ фикрлар шаклланишига ёрдам беради.

(2.1.1) формула ,маълум маънода такрибийроқ, чунки унда Δt вақт оралигига куч жуда кичик ўзгаради (ёки деярли ўзгармайди) деб қаралади.


Агар заррача (жисм) га чекли вақт оралигига ўзгарувчан куч таъсир қилаётган бўлса, юқоридаги ифода қуйидагича ёзилади.

$$\vec{F} = l \lim_{\Delta t \rightarrow 0} \frac{\Delta \vec{p}}{\Delta t} = \frac{d\vec{p}}{dt} \quad (2.1.2)$$

Демак, жисм (заррача) импульсидан вақт бўйича олинган биринчи тартибли ҳосила таъсир қилувчи кучга teng.

Битта жисм (заррача) дан жисмлар (заррачалар) системасига ўтамиз. Бу ихтиёрий жисм ёки жисмлар системаси бўлиши мумкин. Системадаги жисм (заррача) лар ўзаро ёки шу система таркибига кирувчи бошқа жисмлар билан ўзаро таъсирлашишлари мумкин.

Системага ҳеч қандай бошқа жисмлар таъсир қилмаса, ёки уларнинг таъсири етарлича кичик бўлса бу система ёпиқ ёки изоляцияланган (яккаланган) система дейилади.



2.1.1-расм.

Жисмларнинг ҳаракати тўғрисидаги масалани ечиш учун унга таъсир қилувчи ҳамма кучларни эътиборга олиш керак, лекин бундай кучлар жуда кўп.

Шу сабабли баъзи кучларни уларнинг таъсири жуда кичик бўлганлиги учун ҳисобга олмаслик мумкин, шу билан ўзаро таъсирлашувчи жисмлар сонини камайтириб масалани ечиладиган ҳолатга келтириш мумкин.

Масалан, ракетанинг ер атрофидаги ҳаракати ўрганилган ҳолда унинг коинотдаги бошқа обьектлар билан ўзаро таъсири эътиборга олинмайди ва “Ер-ракета” системаси ёпиқ система деб қаралади.

Ихтиёрий ёпиқ системанинг импульсини унинг таркибидаги ҳамма жисм (заррача) лар импульсларининг вектор йифиндисига teng деб ҳисоблаш мумкин.

$$\vec{p} = \sum \vec{p}_i \quad (2.1.3.)$$

Бу ерда \vec{p}_i - i -нчи жисм (заррача) нинг импульси.

Фараз қиласлий, ёпиқ система N та жисм (заррача) дан тузилган ва биринчи жисм (заррача) га бошқа жисм (заррача)лар томонидан томонидан таъсир қилаётган кучлар : $\vec{F}_{12}, \vec{F}_{13}, \dots, \vec{F}_{1N}$, иккинчи жисм (заррача) га таъсир қилаётган кучлар - $\vec{F}_{21}, \vec{F}_{23}, \dots, \vec{F}_{2N}$, деб ҳисоблаб ҳаракат тенгламаларини ёзамиз :

$$\begin{aligned}\Delta \vec{p}_1 &= (\vec{F}_{12} + \vec{F}_{13} + \dots + \vec{F}_{1N}) \Delta t \\ \Delta \vec{p}_2 &= (\vec{F}_{21} + \vec{F}_{23} + \dots + \vec{F}_{2N}) \Delta t \quad (2.1.4) \\ \Delta \vec{p}_N &= (\vec{F}_{N1} + \vec{F}_{N2} + \dots + \vec{F}_{N,N-1}) \Delta t\end{aligned}$$

Система ёпиқ бўлганлиги учун тенгламаларда система таркибига кирмаган бошқа жисмлар томонидан системага таъсир қилувчи кучлар эътиборга олинмаган.

Система таркибидаги жисм (заррача)лар орасидаги ўзаро таъсир кучлари (ички кучлар) Ньютоннинг учинчи қонунига асосан жуфт-жуфт таъсир сифатида, модул бўйича teng ва қарама қарши йўналган. Шу сабабли ҳамма ички кучларнинг вектор йигиндиси нолга teng.

$$\Delta \vec{p}_1 + \Delta \vec{p}_2 + \dots + \Delta \vec{p}_N = \Delta \vec{p}_N = \Delta \vec{p} = 0$$

$$\vec{p} = \sum_{i=1}^N \vec{p}_i = \text{const} \quad (2.1.5.)$$

Агар таъсир қилувчи ҳамма ташқи кучларнинг натижаловчиси нолга teng бўлса, ёпиқ бўлмаган системанинг импульси ҳам сақланади.

Агар ташқи кучларнинг қандайдир йўналишга (масалан, x -ўқига) проекцияси нолга teng бўлса, тўла импульс эмас, балки импульснинг ўша йўналишга проекцияси сақланади.


Импульснинг сақланиш қонуни табиатнинг универсал қонуни сифатида табиатдаги ҳамма ходисаларда бажарилади.

Релятивистик механикада импульснинг юқоридаги формуласидан эмас балки, эаррача массасининг тезликга боғланишини эътиборга оловчи қўйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\vec{p} = m \vec{v} = \frac{m_0 \vec{v}}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}} \quad (2.1.6)$$

m_0 – тинч ҳолатдаги, ёки заррача тинч .ҳолатда бўлган саноқ системасига нисбатан аниқланган масса, c – ёруғлик тезлиги.

Агар ўзаро таъсирлашувчи жисмлар бир- бири билан тўғридан-тўғри боғланган ҳолатда жойлашган бўлса Ньютоннинг учинчи қонуни импульснинг сақланиш қонунининг ҳусусий ҳолини ифодалайди.



2.1.2-расм. Ўқ узилишидаги “тепки” ҳодисаси

Жисмлар тўғридан-тўғри контактда бўлмаган ҳоллардаги ўзаро таъсирларни ўрганишда физикавий майдонларнинг мавжудлиги фараз қилинади, импульслар ўзгариши ёруғлик тезлигига тенг тезликлар билан шу майдонлар орқали узатилади, майдон ва заррачаларнинг импульслари ийғиндиси ихтиёрий вақт моментида доимий сақланади.

Табиатда 4-хил ўзаро таъсир ва унга мос майдонлар мавжуд деб қаралади: гравитацион ўзаро таъсир (майдон), электромагнит ўзаро таъсир (майдон), кучлик ўзаро таъсир (майдон), кучсиз ўзаро таъсир (майдон).

Ҳозирги кунгача гравитацион ўзаро таъсир майдонидан бошқа майдонлар импульс ташувчиси заррача билан ўзаро таъсирлашаётган майдон ҳисобланади. Худди электромагнит тўлқинларга ўхшаган гравитацион тўлқинларнинг мавжудлиги фанда тўлиқ исботланмаган.

Импульснинг сақланиш қонунини умумий таълим мактаблари ва академик лицейларда ўқувчиларга кўргазмали усуллар воситасида тушунтириш учун ўқ узилиш жараёнидаги тепки, реактив ҳаракат ва шунга ўхшаш ҳодисаларни дарс жараёнида ва иқтидорли ўқувчиларга физика кружоклари машғулотларида ўргатиш мақсадга мувофиқ.

Бошланғич вақт моментида жисмларнинг тезлиги нолга тенг бўлган саноқ системаси содир бўлган тепки ҳодисасини кўриб


чиқамиз. Импульснинг сақланиш қонунига асосан ёпиқ системанинг ичидагандай ҳодисалар юз беришидан қатъий назар системанинг импульслари ийғиндиси нолга teng бўлади. Ўқ узиш жараёнида иккита жисмнинг ўзаро таъсири қаралади :

$$\vec{p} = \vec{p}_1 + \vec{p}_2 = m_1 \vec{v}_1 + m_2 \vec{v}_2 = 0 \quad (2.1.7)$$

Ҳаракат битта тўғри чизик бўйлаб рўй бўрганлиги учун

$$m_1 |\vec{v}_1| = m_2 |\vec{v}_2| \quad \text{ёки} \quad \frac{|\vec{v}_1|}{|\vec{v}_2|} = \frac{m_2}{m_1}$$

Ўзаро таъсирлашувчи жисмларнинг тезликлари уларнинг массаларига тескари пропорционал.



2.1.3-расм. Бошланғич тезликлари нол бўлган ўзаро таъсирлашувчи жисмлар тезликларининг уларнинг массаларига тескари пропорционал эканлигини ифодаловчи тажриба.


Ўрта мактабларда тепки ҳодисасини ўрганишда жуда оддий қурилмадан фойдаланиб ўқувчиларга импульснинг сақланиш қонунини намойиш қилиш мумкин. Бу қурилмада цилиндр ичига бир ҳил ўлчамли иккита шарча (ҳар ҳил материалдан ясалган) оралигига пружина жойлаштирилади. Экспериментда шарчалардан бири ёғочдан иккинчиси алюминийдан ясалади уларнинг зичлиги ҳисобига массалари $\frac{m_1}{m_2} = \frac{1}{5}$ га teng бўлади. Сиқилган пружинани ушлаб турган ип ёқиб юборилгандан ҳар иккала шарча қарама-қарши томонга ҳар ҳил тезлик билан учиб чиқади.

Импульснинг сақланиш қонунига асосан алюминий шарчанинг тезлиги ёғоч

шарчаникidan 5 марта кам бўлади. Шарчаларнинг учиш (ҳаракат-ланиш) вақти бир ҳил ,чунки улар бир ҳил баландликдан бир ҳил тезланиш билан ҳаракатланади. Шу сабабли шарчалар ўзларининг дастлабки ҳолатларидан горизонтал текисликда ҳар ҳил масофада қулаб тушади, масофалар нисбати $\frac{1}{5}$ га teng. Ҳудди шундай тепки ҳодисаси микродунё ҳодисаларида ҳам, масалан уран ядроси емирилганда бўлакларнинг учиб чиқишида ҳам кузатилади.

Импульснинг сақланиш қонунини ўрганишда узлуксиз тепки натижасида рўй берадиган реактив ҳаракатни ҳам ўрганиш яхши натижа беради. Ракета бошқа жисмларнинг таъсирисиз ўз ҳаракатини секинлаштириши ёки тезлатиши мумкин.

Ракетанинг ёнилғиси ёниши натижасида ракета импульс орттираси олади, унинг йўналиши тезликнинг камайиш йўналишига тескари бўлади.



2.1.4-расм. Ракетанинг ҳаракати.

Импульснинг сақланиш қонуни ўзгарувчан массали жисмнинг ҳаракат тенгламасини олишга, реактив куч билан ёнилғининг сарфланиши орасидаги боғланишни топишга имконият беради.

Фараз қилайлик ракетанинг ёнилғи билан биргаликдаги массаси M , қандайдир вақт моментида танланган инерциал саноқ системасига нисбатан тезлиги \vec{v} га тенг бўлсин (2.1.4- расм). Ёнилғи ёниши натижасида ракета моторидан чиқаётган модданинг шу саноқ системасига нисбатан тезлиги \vec{u} га тенг.

Қандайдир жуда кичик Δt вақт ичида ракетанинг йўқотаётган модда массаси ΔM га тенг. Бунинг натижасида ракета тезлиги ортади ва унинг ўзгариши $\vec{v} + \Delta \vec{v}$ га тенг. Ракетага ҳеч қандай ташқи кучлар таъсир қилмаётганлигини эътиборга олиб импульснинг сақланиш қонунини ёзамиз.

$$M\vec{v} = (M - \Delta M)(\vec{v} + \Delta \vec{v}) + \vec{u}\Delta M \quad (2.1.8.)$$

Соддалаштириш ва $\Delta M \Delta \vec{v}$ нинг етарлича кичик эканлигини эътиборга олиб, қуйидаги тенгламани оламиз.

$$M\Delta \vec{v} = (-\vec{u} + \vec{v})\Delta M \quad (2.1.9.)$$

Тенгламанинг ҳар иккала томонини вақт интервали Δt га бўлиб, ўзгарувчан массали жисмнинг ҳаракат тенгламасини оламиз.

$$M \frac{\Delta \vec{v}}{\Delta t} = (-\vec{u} + \vec{v}) \frac{\Delta M}{\Delta t} \quad (2.1.10.)$$

Бу тенглама Ньютоннинг 2- қонуни тенгламасига ўхшаётганда $\Delta t \Rightarrow 0$


ҳолда ракетанинг тўғри чизиқли илгариланма ҳаракати учун қуйидаги тенгламани оламиз.

$$M \frac{d\vec{v}}{dt} = -v_r \frac{dM}{dt} \quad (2.1.11.)$$

Бу ерда v_r ракетанинг ҳаракат тезлигига қарама қарши йўналган ёнилғи махсулотининг чиқиш тезлиги. Бу тенглама ўзгарувчан массали жисмнинг ҳаракат тенгламаси ёки И.В.Мещерский тенгламаси дейилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўзгарувчан массали жисмлар ҳаракати ва Мещерский тенгламаси ўргатилмайди, лекин физика кружокларида ва иқтидорли ўқувчилар учун машғулотларда бу мавзу ўрганилса ўқувчилар дунёқарашини оширилишига олиб келади ҳамда техник

кружокларда қатнашувчи ва ракета моделларини ясашни биладиган ўқувчилар учун ракета ҳаракатини ўрганишида жуда катта ёрдам беради.



2.1.5-расм. Радиоактив ядронинг емирилиши.

Жисмларнинг ҳаракатини ҳар доим ҳам танланган инерциал саноқ системасига қараш унчалик ҳам шарт эмас, факт масса маркази (ёки инерция маркази) деб аталувчи нуктанинг ҳаракат тенгламасини билиш етарли.

Системанинг масса маркази, система ўлчамлари доирасида оғирлик кучи майдони бир жинсли бўлган ҳолларда, унинг оғирлик маркази билан мос тушади. Масалан ядроларнинг радиоактив емирилишида масса марказининг тезлиги сақланади (2.1. 5- расм) .

Академик лицейларда бу мавзулар физикани чукурлаштириб ўрганадиган синфларда тўлиқ ўрганилади.

3-боб. Механикада энергиянинг сақланиш қонуни

3.1. Жисмлар ва уларнинг системаларининг тўлиқ энергияси ва кинетик энергияси.

Эйнштейннинг махсус нисбийлик назариясида энергия ва масса орасида универсал боғланиш ўрнатилган.

$$E = mc^2 \quad (3.1.1.)$$

Бу ерда c – ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги, m – релятивистик масса.

Жисм (заррача) нинг тўла энергияси энергиянинг қандай турлари (кинетик, химиявий, электромагнит) дан ташкил топганлигидан қатъий назар шу муносабат орқали ифодаланади.

Жисмнинг тўла энергияси ҳар ҳил саноқ системаларига нисбатан ҳар ҳил бўлади, чунки масса тезликга боғлик, тезлик эса саноқ системасини танлашга боғлик бўлади. Жисм (заррача) тинч ҳолатда бўлган саноқ системасига нисбатан унинг энергияси энг кичик қийматга эга бўлади ва бу энергич тинч ҳолат энергияси дейилади ва $E = m_0 c^2$ формула билан ифодаланади.

Тўла энергия, тинч ҳолатдаги энергия билан бир қаторда жисм (заррача) лар танланган саноқ системасига нисбатан аниқланган ҳаракат тезлигига боғлик бўлган кинетик энергияга ҳам эга бўлади.

$$E = E_0 + E_k \quad (3.1.2.)$$

Эйнштейн формуласи масса ва энергия орасидаги боғланишни ифодалайди. Одатдаги макроскопик жисмларда жисмлар массасининг ўзгариши жуда кичик бўлиб, ўлчаш аниқликлари чегарасида ётади. Масалан; 1 кг. сувни буғга айлантиришда унинг энергияси $2,25 \cdot 10^6$ Ж га ортади, энергия ва массанинг боғланишидан массанинг ортишини ҳисобласак $2,5 \cdot 10^{-11}$ кг. га teng бўлади, бу жуда кичик ва эътиборга олинмайдиган катталик.

Ядро жараёнларида ва элементар зарраларнинг ўзаро алмашинишларида, масалан, 1 кг. дейтерийнинг гелийга айланнишида энергиянинг ўзгариши 562 ТД ж га teng бўлади ва масса 6,25 г. га камаяди, бу эса хисобга олинадиган катталик.

Релятивистик кинетик энергия ифодасини ёзамиз :

$$E_k = E - E_0 = mc^2 \left(1 - \frac{m_0}{m} \right) \quad (3.1.3.)$$

Массанинг релятивистик ифодаларини (3.1.3.) га қўйиб алмаштиришлар ўтказиб қўйидаги ифодани оламиз.

$$E_k = \frac{mv^2}{1 + \sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}} \quad (3.1.4.)$$

(3.1.4.) дан кўрамизки кинетик энергия фақат жисм (заррача) нинг тезлигига боғлиқ бўлади. Ёруғлик тезлигидан жуда кичик бўлган тезликларда юқоридаги ифода одатдаги норелятивистик кинетик энергия формуласига ўтади.

Механик ҳаракатда ҳаракатнинг иккита ўлчови, яъни вектор кўринишидаги импульс ва скаляр кўринишдаги энергия билан танишдик. Ҳаракатнинг бу икки ўлчови универсал бўлиб материя ҳаракатининг ҳамма кўринишларида ҳам мавжуд бўлади.

Аслида ҳаракатнинг сақланувчан икки ўлчовга эга бўлишининг зарурийлиги фазо ва вақтнинг симметриклик ҳоссаларидан келиб чиқади.

Импульснинг сақланиш қонуни фазо симметрияси билан, энергиянинг сақланиш қонуни вақт симметрияси билан боғланган.

Шу билан бирга энергия ва импульснинг сақланиш қонунларида ўзаро асимметрия ҳам мавжуд, яъни энергия-скаляр, импульс эса вектор. Демак ҳар бир қонун қандайдир ўзгаришлар ва шароитларга нисбатан асимметрик бўлади.

Ушбу қонунлар мазмунидаги мавжуд асимметрия улар орасидаги боғланишни йўқотади деган фикрга ҳам келиш мумкин, лекин ундан эмас.

Энергия ва импульс орасида ғоят чукур боғланиш мавжудлиги нисбийлик назариясида тўла очиб берилган.

Классик механикада импульс ва кинетик энергия ўзаро қўйидача боғланган.

$$E_k = \frac{p^2}{2m} \quad (3.1.5.)$$

Импульс жисм (заррача) нинг массасини унинг тезлигига кўпайтмасига, кинетик энергия эса жисм (заррача) нинг массасини унинг тезлигининг квадратига кўпайтмасининг ярмига teng. Бу боғланиш формал боғланиш ҳисобланади, чунки классик тасавурларга асосан фазо ва вақтнинг ҳоссалари ўзаро ҳеч қандай боғланмаган.

Нисбийлик назариясида фазо ва вақт ўзаро боғланган ва биргаликда намоён бўлади. Шу сабабли ҳаракатнинг иккала ўлчовлари орасидаги боғланиш чуқур физиковий маънога эгадир. Энергия ва импульс орасидаги релятивистик боғланиш қуйидаги ифодадан олинади.

$$m = \frac{m_0}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}} \quad (3.1.6.)$$

Бу ифодани квадратга кўтариб уни c^2 га кўпайтирамиз ва алмаштиришлар ўтказиб қуйидаги ифодани оламиз.

$$E^2 - p^2 c^2 = E_0^2 \quad (3.1.7.)$$

Ёруғлик тезлигига яқин тезликларда жисм (заррача) нинг кинетик энергияси тинч ҳолатдаги энергиядан жуда кўп марта катта бўлиб, тўла энергияга яқин бўлади.

$$E_k \approx E = pc \quad (3.1.8.)$$


Паст тезликларда (3.1.7.) формула классик механикадаги (3.1.5.) формулага ўтади. Жисм (заррача) нинг импульси ҳам, энергияси ҳам саноқ системасини танлашга боғлиқ бўлади. Ўша икки катталиктининг комбинациясини ифодаловчи

$E^2 - p^2 c^2$ айирма ҳамма инерциал саноқ системаларда бир ҳил қийматга эга бўлади, бу катталиқ тинч ҳолат энергиясининг квадратига teng бўлиб бир инерциал саноқ системасидан бошқасига ўтганда ўзгармайди. Юқорида айтилган мулоҳазаларнинг ҳаммаси жисмлар (заррачалар) системасида ҳам тўла ўринли бўлади.

Доимий тезликтеги эга бўлган жисм (заррача)ларнинг ҳаракати икки ҳил усул билан амалга оширилади: ёки жисм (заррача) га ҳеч қандай куч таъсир қилмаганда ёки таъсир қилувчи қучларнинг геометрик йифиндиси нолга тенг бўлганда.

Бу икки ҳолатнинг орасида принципиал фарқ бор, биринчи ҳолатда иш бажарилмайди, иккинчи ҳолатда эса куч таъсирида ёки кучга қарши иш бажарилади.

“Иш” термини икки ҳил маънода - жараённи ифодалаш учун, ёки кучнинг кўчиш йўналишига проекциясини кўчиш вектори узунлигига кўпайтмаси билан аниқланувчи скаляр физик катталикни ифодалаш учун ишлатилади.(3.1.1-расм)



3.1.1-расм.

$$A = |\vec{F}| |\Delta \vec{r}| \cos \alpha \quad (3.1.9.)$$

Куч ва кўчиш йўналишлари орасидаги бурчак ўткир бурчак бўлса. куч мусбат иш бажаради, бурчак ўтмас бурчак бўлса кучнинг бажарган иши манфий, яъни берилган кучга қарши иш бажарилади.

Умумий ҳолда куч ихтиёрий ҳолда ўзгарса, жисмнинг траекторияси ихтиёрий кўринишда бўлади ва ишни ҳисоблаш мураккаблашади.

Бу ҳолда жисмнинг ўтган йўлини шундай кичик қисмларга ажратиладики бу қисмда таъсир қилувчи кучни ўзгармас деб ҳисоблаш мумкин бўлсин

$$A = \lim_{N \rightarrow \infty} \sum_{i=1}^N F_{is} \Delta S_i \quad (3.1.10.)$$

Ишнинг қиймати саноқ системасини танлашга боғлиқ, чунки жисм битта саноқ системасига нисбатан ҳаракатланиши ва бошқа саноқ системасига нисбатан тинч ҳолатда бўлиши мумкин. Ишнинг кинетик энергиянинг ўзгариши билан ўзаро боғланишини аниқлаймиз. Дастреб жисмнинг Ньютон механика қонунлари асосида доимий куч таъсиридаги ҳаракатини ўрганамиз.

$$A = F_s \Delta s = m a_s \Delta s \quad (3.1.11.)$$

Бу ерда a_s – йўлнинг Δs қисмидаги тезланиш, $2m a_s \Delta s = v_2^2 - v_1^2$ бўлганлигидан ишнинг қўйидаги ифодасини оламиз.

$$A = \frac{mv_2^2}{2} - \frac{mv_1^2}{2} = E_{k2} - E_{k1} \quad (3.1.12.)$$


Агар иш мусбат бўлса кинетик энергия ортади, манфий бўлса эса камаяди.Худди шундай хulosалар нисбийлик назарияси асосида, яъни релятивистик механикада ҳам олинади.

Бу ҳулоса ҳар қандай жисмлар (заррачалар) системаси учун ҳам ўринли. Система кинетик энергиясининг ортигаси системадаги ҳамма жисм (зарра)ларга таъсир қилаётган ҳамма кучларнинг бажарган ишига teng.

3. 2. Потенциал майдонлар.

Потенциал кучларнинг бажарган иши.

Жисм (заррача)нинг кўчишида бажарилган иш траекториянинг жуда кўп элементар участкаларида бажарилган ишларни йиғиндиси сифатида аниқланади, бу бажарилган ишнинг умумий ҳолда траектория формасига боғлиқ эканлигини кўрсатади (3.2.1- расм).



3.2.1.-расм. Потенциал кучларнинг бажарган иши факат траекториянинг бошлангич ва охирги координаталарига боғлиқ.

Аммо шундай кучлар бор-ки уларнинг бажарган иш факат траекториянинг бошлангич ва охирги координаталари билан аниқланади, траекториянинг формаси эса ишнинг микдорига таъсир қилмайди. Бундай кучлар потенциал ёки консерватив кучлар дейилади. Бундай ҳусусиятларга гравитацион кучлар, кулон ўзаро таъсир кучлари эга бўлади.


Гравитацион (тортишиш) кучларининг жисм (заррача) га таъсири тортишиш майдони (масалан, ернинг тортишиш майдони) нинг ихтиёрий нуқтасида намоён бўлади. Кулон кучларининг таъсирини эса электр майдонининг ҳар бир нуқтасида жойлашган зарядланган заррача сезади.

Бу кучлар нуқтадан нуқтага маълум қонуниятлар асосида ўзгариб, таъсирилашувчи заррачалар орасидаги масофанинг квадратига боғлиқ бўлади ва заррачаларни туташтирувчи тўғри чизик бўйлаб йўналади.

Бундай майдонлар ва кучлар потенциал майдонлар ва потенциал кучлар деб аталади. Потенциал кучларнинг бажарган ишини ҳисоблаймиз.

Фараз қилайлик, майдоннинг ҳар бир нуқтасида таъсир қилувчи куч вақт ўтиши билан ўзгармасин, майдони ҳаракатланаётган заррачага таъсир қилувчи жисм тинч ҳолатда бўлсин.(Масалан:- тортишиш кучи манбаи ҳисобланган Ер танланган саноқ системасига нисбатан тинч ҳолатда бўлсин.)

Ернинг тортишиш кучи майдонида ҳаракатланаётган жисм бир нуқтадан иккинчи нуқтага кўчсин. Таъсир қилаётган кучнинг қиймати Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни асосида аниқланади.



3.2.2-расм. Тортишиш кучи ишини ҳисоблаш.

$$F = G \frac{mM}{r_1^2} \quad (3.2.1.)$$

Бу ерда m – заррачанинг массаси, M – Ернинг массаси, r_1 – Ернинг масса марказидан заррача жойлашган нуқтагача бўлган масофа, G – гравитацион доимийлик. Куч m – массали заррача ва M – массали жисм (Ер)нинг масса марказларини туташтирувчи туташтирувчи чизик бўйлаб йўналган

Куч вектор кўринишда $\vec{F} = -G \frac{mM}{r_1^2} \frac{\vec{r}_1}{r_1}$ (3.2.2.) ифодаланади.


$$\text{Бажарилган иш } A = G \frac{mM}{r_1} - G \frac{mM}{r_2} \quad (3.2.3.)$$

Кулон кучларининг бажарган ишларини ҳисоблаш тортишиш майдони ишини ҳисоблашдан унчалик фарқ қилмайди.

Электр майдони кучининг бажарган иши қуидагига teng :


$$A = \frac{qQ}{4\pi\epsilon_0 r_1} - \frac{qQ}{4\beta\pi\epsilon_0 r_2} \quad (3.2.4.)$$

Ҳақиқатда қараб чиқилған ҳолларда иш иккита ифоданинг айрмасига тенг, бу ифодалар траекториянинг бошланғич ва охирги нүкталари координаталарининг функциялари бўлиб, траекториянинг формасига боғлик бўлмайди



3.2.3-расм. Тортишиш кучларининг ёпиқ траектория бўйича бажарган ишига оид.

Потенциал кучларнинг ёпиқ траектория бўйича бажарган иши нолга тенг бўлади.



3.2.4-расм.

Энди заррачанинг ва заррачалар системасининг потенциал энергиясини кўриб чиқамиз. Гравитацион тортишиш қути, Кулон қучининг бажарган иши формулаларидан шу майдонларда заррачаларнинг потенциал энергиясини аниқлаймиз.

Гравитацион тортисиши куч майдонида: $-E_p = -G \frac{mM}{r}$;

Электр (Кулон) майдонида: $-E_p = \frac{1}{4\pi\epsilon_0} \frac{qQ}{r}$;

Бундай куч майдонларида иш потенциал энергиянинг камайиши хисобига бажарилади, яъни траекториянинг бошланғич ва охирги нуқталари потенциал энергияларининг айирмасига teng.

Ишни ўлчаш натижасида потенциал энергиянинг абсолют қийматига эмас, балки майдоннинг икки нуқтасидаги потенциал энергиялар фарқини аниқлаймиз.

$r \Rightarrow \infty$ даги потенциал энергиянинг қийматини нолга тенглигидан, бу нуқтани саноқ боши деб ҳисоблаб потенциал энергия ифодасини оламиз.

Ҳозиргача қандайдир куч майдонида заррачанинг потенциал энергияси түғрисида фикр билдиридик, аслида потенциал энергия заррачанинг майдони ва майдонни ҳосил қилаётган жисм орасидаги ўзаро таъсирнинг натижасидир.

3.3. Системанинг механик энергияси ва энергиянинг сақланиш қонуни.

Кинетик энергиянинг орттирмаси системадаги ҳамма заррачаларга таъсир қилувчи ҳамма кучларнинг бажарган ишига teng. Ихтиёрий заррачалар системасига нисбатан бу кучлар ички ёки ташқи, бундан ташқари потенциал ёки нопотенциал характерга эга бўлиши мумкин.

$$E_{k2} - E_{k1} = A = A_{tash} + A_{ich}^{pot} + A_{ich}^{nopot} \quad (3.3.1.)$$

Ички потенциал кучларнинг бажарган иши системанинг ҳусусий потенциал энергиясининг камайишига teng.

$$A_{ich}^{pot} = E_{p1} - E_{p2} \quad (3.3.2.)$$

Агар кинетик энергиялар фарқини қуйидагича ҳисобласак;

$$E_{k2} - E_{k1} = A_{tash} + E_{p1} - E_{p2} + A_{ich}^{nopot} \quad (3.3.3.)$$

Қуйидаги белгилашларни киритсак; $W_2 = E_{k2} + E_{p2}$; $W_1 = E_{k1} + E_{p1}$;

$$W_2 - W_1 = A_{tash} + A_{ich}^{nopot} \quad (3.3.4.)$$

Демак, системанинг механик энергиясининг ўзгариши ҳамма ташқи ва ички нопотенциал кучларнинг бажарган ишлари йифиндисига тенг экан. Агар система ёпиқ ва консерватив бўлса, яъни ички нопотенциал кучлар бўлмаса системанинг механик энергияси вакт ўтиши билан ўзгармайди.

Инерциал саноқ системасида ёпиқ, консерватив системанинг механик энергияси сақланувчан катталик ҳисобланади.

Системанинг кинетик ва потенциал энергиялари ўзгариши мумкин, фақат энергиянинг бир тури ортса албатта иккинчиси камаяди. Бу энергиянинг сақланиш қонунини ифодалайди.

19-асрнинг ўрталарида энергиянинг сақланиш қонунининг очилиши механиканинг ривожланиш тарихида ўзига ҳос бурилиш ҳисобланади.

3.4. Энергия ва импульснинг сақланиш қонунларидан фойдаланиб космик тезликларни ва заррачаларнинг тўқнашишини ўрганиш.

Механик энергиянинг сақланиш қонунининг татбиқи сифатида ҳавонинг қаршилигини ҳисобга олмаган ҳолда, биринчи, иккинчи ва учинчи космик тезликларни ҳисоблаб кўрамиз. Энергиянинг сақланиш қонунига асосан Ер сиртида ва орбитада кинетик ва потенциал энергиялар йифиндиси сақланади. Бу ҳолда космик кема-Ер системаси ёпиқ, космик кемани учирилишида Ернинг механик энергияси ўзгармайди.

Қуйидаги белгилашлар киритилади: E_k ва E_k^1 - космик кеманинг Ер сиртидаги ва орбитадаги кинетик энергиялари; E_p ва E_p^1 - космик кеманинг потенциал энергияси; R - Ер радиуси; r - доиравий орбитанинг Ернинг марказига нисбатан радиуси; M - Ернинг массаси; m - космик кеманинг массаси; v - космик кемани орбитага чиқариш учун бериладиган тезлик, ("чиқариш" тезлиги); v' - космик кеманинг орбитадаги тезлиги. Қуйидаги тенгламани ёзамиш:

$$\frac{mv^2}{2} - G \frac{mM}{R} = \frac{mv'^2}{2} - G \frac{mM}{r} \quad (3.4.1.)$$

Тенгламада орбитал тезлик v' ни қуидагида йүқтамиз. Космик кеманинг ҳаракати доиралы орбита ёки шунга яқин орбита бўйлаб содир бўлганидан тортишиш майдони унга марказга интилма тезланиш беради.

$$\frac{mv'^2}{r} = G \frac{mM}{r^2} \quad (3.4.2.)$$

(3.4.2.) нинг ҳар иккала томонини r га кўпайтириб 2 га бўламиш;

$$\frac{mv'^2 r}{2r} = G \frac{mMr}{2r^2} \quad \text{ёки} \quad \frac{mv'^2}{2} = G \frac{mM}{2r} \quad (3.4.3.)$$

(3.4.1.) тенгламада ўнг томондаги биринчи ҳадни (3.4.3.) ифода билан алмаштирамиз;

$$\frac{mv^2}{2} - G \frac{mM}{R} = G \frac{mM}{2r} - G \frac{mM}{r} \quad (3.4.4.)$$

(3.4.4.) тенгламани v га нисбатан ечамиш;

$$v^2 = G \frac{2M}{R} - G \frac{M}{r} = GM \left(\frac{2}{R} - \frac{1}{r} \right) \quad (3.4.5.);$$

$$v = \sqrt{GM \left(\frac{2}{R} - \frac{1}{r} \right)} \quad (3.4.6.)$$

Биринчи космик тезлик деб космик кемани Ер атрофидаги орбитага чиқариш учун зарур бўлган тезликга айтилади.

(2.4.6.) формуладан қуидаги ифодани оламиш.

$$v_1 = \sqrt{GM \left(\frac{2}{R} - \frac{1}{R} \right)} = \sqrt{G \frac{M}{R}} \quad (3.4.7.)$$

Ер сиртидаги яқин бўлган нуқталарда $G \frac{mM}{R^2} \approx mg$, шу сабабли

$$v_1 = \sqrt{G \frac{M}{R}} = \sqrt{gR} \approx 8 \text{ км/с.}$$

Иккинчи космик тезлик деб космик кемани Қуёш системасидаги сунъий планета орбитасига чиқариш учун зарур бўлган тезликга айтилади. Бу ҳолда $r \Rightarrow \infty$, яъни космик кема Ердан, ернинг тортишиш майдони таъсир этмайдиган масофага узоқлаштирилади.

$$v_2 = \sqrt{GM \left(\frac{2}{R} - \frac{1}{\infty} \right)} = \sqrt{2G \frac{M}{R}} = \sqrt{2gR} \quad (3.4.8.)$$

$$v_2 = \sqrt{2}v_1 \approx 11 \text{ км/с.}$$

Агар космик кема Ер сиртидан эмас, балки Ер сиртидан h баландлиқда жойлашган орбитал станциядан учирилған бўлса, у ҳолда;

$$v_2 = \sqrt{2G \frac{M}{R+h}} = R \sqrt{\frac{2g}{R+h}} \quad (3.4.9.)$$

Учинчи космик тезлик деб, космик кемани Қуёшнинг тортишиш майдони таъсири чегараларидан узоқлаштириш учун унга берилиши зарур бўлган тезликга айтилади.

$$v_3 = \sqrt{2G \left(\frac{M}{R} + \frac{M_c}{R_c} \right)} = \sqrt{2G \frac{M}{R} + 2G \frac{M_c}{R_c}} \quad (3.4.10.)$$

Бу ерда M_c -Қуёш массаси, R_c -Қуёш марказидан Ернинг марказигача бўлган масофа. (2.4.10.) да $2G \frac{M}{R} = v_2^2$, ундан ташқари Ер орбитасининг стационарлик шартидан

$2G \frac{M_c}{R_c} = 2v_0^2$, бу ерда v_0 -Ернинг орбитал тезлиги, унинг ўртacha қиймати 29,8 км/с,

Ҳисоблашлар натижасида $v_3 = 43$ км/с. Агар космик кемани Ернинг орбитал ҳаракати йўналишида учирсак, у ҳолда космик кемани Ернинг тортишиш кучи таъсири доирасидан чиқишидаги тезлиги $v' = 43$ км/с-29,8 км/с ≈ 13 км/с га teng бўлса у Қуёш системасидан чиқиб кетади.

$$v_3 = v_2^2 + v'^2 - v_2^2 \frac{R}{r}$$

$$v_3 \approx \sqrt{(11)^2 + (13)^2} \approx 17 \text{ км/с га teng.}$$

Жуда кўп масалаларни ечишда энергиянинг сақланиш қонунини импульснинг сақланиш қонуни билан биргаликда қўлланилади. Энергия ва импульснинг сақланиш қонуларининг бир вақтда қўлланилишига классик мисол жисм (зарра) ларнинг тўқнашиши тўғрисидаги масаладир.

Тўқнашувчи жисм (зарра)лар сифатида бильярд шарлари, молекулалар ва элементар заррачалар (масалан, протонлар) ни олиш мумкин.

Чунки энергия ва импульснинг сақланиш қонуни фақат классик физикада эмас, балки квант физикасида ҳам ўринли бўлади. Тўқнашиш натижасида жисм (зарра) ларнинг ички ҳоссалари ўзгариши мумкин. Шу сабабли тўқнашишлар эластик ва ноэластик тўқнашишларга бўлинади.

Эластик тўқнашишлар деб тўқнашувчи жисм (зарра) ларнинг ички ҳолати ўзгармасдан содир бўладиган тўқнашишларга айтилади.

Ноэластик тўқнашишлар деб тўқнашувчи жисм (зарра) ларнинг ички ҳолатининг ўзгариши билан содир бўладиган тўқнашишларга айтилади.

Эластик ва ноэластик тўқнашишлар асосида фан ва техника учун муҳим бўлган жуда қўп ҳодисаларнинг механизми тушунтирилади.

Газларда иссиқлик ўтказувчанлик, диффузия ҳодисалари молекулаларнинг бир-бири билан тўқнашишлари билан тушунтирилади. Газсимон ҳолатда жойлашган моддаларнинг ҳимиявий реакциялари молекулаларнинг ноэластик тўқнашишлари асосида содир бўлади. Атомлар, атом ядролари, элементар зарраларнинг ҳоссаларини уларнинг ҳар ҳил зарралар билан тўқнашишлари асосида текшириш мумкин.

Импульснинг сақланиш қонуни асосида ноэластик тўқнашиш натижасида ҳосил бўлаётган янги битта заррачанинг тезлигини ҳисоблаш мумкин.

Фараз қилайлик, чистеманинг массаси сақлансин, яъни $m = m_1 + m_2$, тўқнашишдан кейинги тезлик $\vec{v}' = \frac{m\vec{v}_1 + m\vec{v}'}{m_1 + m_2}$ га teng бўлади.

Ноэластик тўқнашишларда зарраларнинг ички ҳолати ўзгарилиши ва уларнинг кинетик энергиялари сақланмаслигини текшириб кўрамиз.

Массалари m_1 ва m_2 бўлган жисм (зарра) лар берилган бўлсин. Соддалик учун m_2 массали жисм (зарра) ни нишон деб олиб, саноқ системасини шу заррачага махкамлаймиз. m_1 массали жисм (зарра) ни снаряд деб белгилаб оламиз. Снаряднинг импульси \vec{p}_1 , тўқнашишда зарраларнинг бирлашиши натижасида ҳосил бўладиган жисм (зарра) нинг массаси m импульси эса \vec{p} бўлсин. Импульснинг сақланиш қонунига асосан $\vec{p}_1 = \vec{p}$

Жисм (зарра) ларнинг ҳаракатини норелятивистик деб хисоблаб, энергиянинг сақланиш қонунини татбиқ этамиз. Шу шарт асосида жисм (зарра)ларнинг кинетик энергиясини $E_k = \frac{p^2}{2m}$ формула орқали аниқлаймиз. Бу ҳолда энергиянинг сақланиш қонуни системанинг ички энергияси Q -ни ҳам хисобга олиш зарурлигини талаб этади.

$$\frac{p^2}{2m_1} = \frac{p^2}{2m} + Q \quad (3.4.11.)$$

(3.4.11.)дан қўйидаги ифодани оламиз;

$$Q = \frac{p^2}{2m_1} \left(1 - \frac{m_1}{m} \right) = \frac{p^2 m_2}{2m_1 (m_1 + m_2)} \quad (3.4.12.)$$

Снаряднинг импульси ва нишоннинг массаси қанча катта бўлса, ички энергиянинг ўзгариши шунча катта бўлади. $m_2 \gg m_1$ шарт бажарилганда снаряднинг деярли ҳамма кинетик энергияси системани қиздириш учун сарфланади. Тўқнашаётган икки жисм (зарра) ноэластик тўқнашиш натижасида ўзаро бирикмаса энергиянинг сақланиш қонуни қўйидагича ёзилади.

$$\frac{p_1^2}{2m_1} = \frac{p_1^{12}}{2m_1} + \frac{p_2^{12}}{2m_2} + Q \quad (3.4.13.)$$

Бу ерда Q мусбат ёки манфий бўлиши мумкин; Масалан, водороднинг гелийга айланишидаги термоядро реакциясида $Q = -5,3 \cdot 10^{-13}$ Ж. Га тенг.

Энди эластик тўқнашишларни текширамиз. Эластик тўвнашишларга бильярд шарларининг тўқнашиши, газларда бир-бири билан химиявий таъсирлашмайдиган молекулаларнинг тўқнашишлари мисол бўлади.

Кўпчилик ядро ўзаро таъсирлари эластик тўқнашиш йўли билан содир бўлади. Юқори энергиялардаги ядро реакцияларини эътиборга олмаган ҳолдаги, эластик тўқнашишлар норелятивистик жараёнлар ҳисобланади. Эластик тўқнашишлар учун энергия ва импульснинг сақланиш қонунлари қўйидаги тенгламалар билан ифодаланади.

$$\frac{p_1^2}{2m_1} + \frac{p_2^2}{2m_2} = \frac{p_1^{12}}{2m_1} + \frac{p_2^{12}}{2m_2}; \quad (3.4.13.)$$

$$\vec{p}_1 + \vec{p}_2 = \vec{p}'_1 + \vec{p}'_2 \quad (3.4.14.)$$

Тўқнашишда зарралар системасининг ички ҳолати ўзгармаганлигидан энергиянинг сақланиш қонуни кинетик энергиянинг сақланиш қонунига келади.

Фараз қилайлик тўқнашишгача ва тўқнашишдан сўнг иккала жисм (зарра) ҳам бир тўғри чизик бўйлаб ҳаракатланади. Жисм (зарра) ларнинг ҳаракатини бу зарраларнинг масса маркази билан боғланган саноқ системасига нисбатан текширсак зарраларнинг тўқнашишдан кейинги тезликлари осон ҳисобланади.

Агар заврраларнинг қўзғалмас координата системасига нисбатан тўқнашишгача тезликлари мос равища \vec{v}_1 ва \vec{v}_2 бўлса, масса маркази саноқ системасига нисбатан тезликларини аниқлаймиз ва шу асосда уларни ўзаро боғлаймиз ва масса марказининг ҳаракат тезлигини аниқлаймиз.

$$\vec{v}_c = \frac{\vec{p}}{m_1 + m_2} = \frac{m_1 \vec{v}_1 + m_2 \vec{v}_2}{m_1 + m_2} \quad (3.4.15.)$$

4-боб. Академик лицейлар физика курсида импульснинг сақланиш қонунини масала ечишга татбиқ этиш.

4.1. Импульснинг сақланиш қонунига оид

масалалар ечиш

Механиканинг асосий масаласи- яъни жисмнинг ҳолатини ихтиёрий вақт моментида аниқлаш масаласини Ньютон қонунлари ёрдамида ечиш учун бошлангич шартлар ва жисмга таъсир этувчи кучларнинг координата ва тезликларга боғланиши аниқ бўлиши зарур. Амалиётда бу боғланишлар ҳар доим ҳам аниқ бўлмайди.

Механиканинг қўпчилик масалаларини жисмга таъсир қилаётган кучларнинг ҳарактерини билмасдан ҳам, жисмларнинг ихтиёрий ўзаро таъсирларида ўзгармасдан қоладиган катталиклардан фойдаланиб, ечиш мумкин.

Жисмнинг маълум вақт моментида ҳолати ва тезлиги аниқ бўлса, сақланувчи катталикларни билган ҳолда шу жисмнинг ихтиёрий ўзаро таъсирдан кейинги ҳолатини ва тезликларини динамика қонунларидан фойдаланмасдан хисоблаш мумкин.

Импульснинг сақланиш қонунини масалалар ечишга қўллашнинг асосий шартларини кўриб чиқамиз.

Жисмлар системасини ва саноқ системасини танлаш: Масалалар ечишда импульснинг сақланиш қонунидан фойдаланиш учун инерциал саноқ системаларини танлаш ва жисмларнинг ёпиқ системасини қараш керак. Таъкидлаш зарурки, системанинг умумий импульси турли инерциал саноқ системаларида ҳар ҳил бўлса ҳам, ҳамма инерциал саноқ системаларида импульснинг сақланиш қонуни бажарилади.

Импульснинг сақланиш қонунининг тақрибий бажарилиш шарти: Куч импульсининг ифодасидан кўринадики, жисмлар системасининг импульсининг ўзгариши ташқи кучларга ва уларнинг таъсир этиш вақтига боғлиқ Маълум шартлар бажарилганда импульснинг сақланиш қонунини

ёпиқ бўлмаган системаларда қатор амалий масалаларни тақрибий ечишга қўллаш мумкин.

- Ташқи кучларнинг таъсир этиш вақти етарлича кичик, яъни $\Delta t \Rightarrow 0$;
- Ташқи кучларнинг модули системада таъсир этаётган ички кучларнинг модулидан етарлича кичик ,яъни $F \ll F_{ichki}$

Ёпиқ бўлмаган системаларда тўла импульс сақланмайди,лекин импульснинг айрим координата ўқларига проекциялари,ташқи кучларнинг йифиндиси нол бўлган йўналишларда доимий бўлиб қолиши мумкин.

Энди импульснинг сақланиш қонунини масалалар ечишга қўллаймиз.

1-ми. масала.Массаси 160 кг бўлган ҳаво шарига ипдан ясалган нарвон боғланган ва бу нарвонда массаси 40 кг.бўлган бола жойлашган.Шарни Ерга нисбатан тинч ҳолатда деб ҳисоблаб, боланинг кўтарилиш пайтидаги тезлигини аниқланг.Боланинг нарвонга нисбатан харакат тезлиги $u = 0,5$ м/с.

Ечиш.

Ерни саноқ жисми деб ҳисоблаймиз.Координата системасининг OY ўқини юқорига вертикал йўналтирамиз. “Шар-бола” системаси ёпиқ,чунки таъсир қилувчи ташқи кучлар (шарга ва болага таъсир қилувчи оғирлик кучи, Архимед кучи) нинг вектор йифиндиси нолга тенг.Жисмларнинг сузиш шартини ишлатамиз:

$$(M+m)g - F_A = 0 \quad (\text{ми-1-1})$$

Бу системага импульснинг сақланиш қонунини қўллаш мумкин.Шарнинг Ерга нисбатан тезлигини \vec{v} билан белгилаймиз.У холда боланинг Ерга нисбатан тезлиги $\vec{v} + \vec{u}$ га тенг бўлади.”Болашар”системасининг импульси бола кўтарилиганга қадар нолга тенг бўлади.Ҳамма импульсларни “Ер” инерциал саноқ системасига нисбатан ёзиб,импульснинг сақланиш қонунининг вектор кўринишини ҳосил қиласиз.

$$m(\vec{v} + \vec{u}) + M\vec{v} = 0, \quad (\text{ми-1-2})$$

Ундан:
$$\vec{v} = -\frac{m\vec{u}}{m+M} \quad (\text{ми-1-3})$$

Бу ифодадаги манфий ишора шар тезлигининг йўналиши бола тезлигининг йўналишига қарама қарши эканлигини кўрсатади.

$$v = \frac{40}{200} \cdot 0,5 = 0,1 \text{ м/с (ми-1-4)}$$

Ҳаво шарининг йўналишини аниқлаш учун қуидагича мулоҳаза қиласиз.”Шар-бала” системаси ёпиқ бўлганлигидан системанинг масса маркази тинч ҳолатда бўлади. Бола нарвон бўйлаб кўтарилиганда ушбу шарт бажарилиши учун шар пастга қараб тушиши керак.

2-ми. масала. Орқага қайтишга қаршилик қилувчи қурилма ўрнатилмаган замбарак горизонтга нисбатан $\varphi = 60^0$ бурчак остида снаряд отмоқда. Снаряднинг массаси $m_1 = 20$ кг, унинг бошланғич тезлиги $v_1 = 400$ м/с. Агар замбаракнинг массаси $m_2 = 800$ кг бўлса, замбаракнинг орқага сурилиш тезлиги қандай бўлади ?

Ечиш;

Снаряд отилиш вақтида замбаракга таъсир қилувчи ташқи кучларнинг йиғиндиси нолга teng эмас, шу сабабли “Замбарак-снаряд” жисмлар системасининг импульси сақланмайди: снаряд отилмасдан аввал импульс нолга teng, отилгандан сўнг импульснинг вектор йиғиндиси $m_1\vec{v}_1 + m_2\vec{v}_2$ га teng.

Ташқи кучлар таъсир қилмайдиган горизонтал йўналиш учун импульснинг сақланиш қонунини қўллаш мумкин. ox ўқининг мусбат йўналиши сифатида замбаракнинг орқага силжиш тезлиги йўналиши танланади ва импульснинг сақланиш қонунини ёзамиш:

$$m_2v_2 - m_1v_1 \cos \varphi = 0 \text{ (ми-2-1)}$$

$$\text{Бундан: } v_2 = \frac{m_1v_1 \cos \varphi}{m_2} = 5 \text{ м/с}$$

3-ми. масала. Умумий массаси $M = 500$ кг. бўлган ракета вертикал учириласди. Тезлиги $v = 100$ м/с га етганда ундан массаси $m_1 = 200$ кг бўлган

бош қисми ажралиб чиқади. Ракетанинг бош қисмининг ракетадан ажралиб чиқғандан сўнг Ерга нисбатан тезлиги $v_1 = 115$ м/с. Ракетанинг қолган қисмининг чекли тезлиги аниқлансин.

Ечиш.

Ракетанинг ОУ ўқи бўйлаб йўналган ҳаракати Ерга нисбатан қаралади. Ракетага оғирлик кучи, юқорига йўналган тортиш кучи, ҳавонинг қаршилик кучи таъсир этади. Бундай система ёпиқ система бўлаолмайди. Ракетанинг бош қисмининг ажралиб чиқиши жуда қисқа Δt вақт давом этади, бу вақт оралигига бу кучлар ракетанинг тезлигини жуда кам ўзгартиради. Шунинг учун маълум тақрибийликда импульснинг сақланиш қонунини қўллаш мумкин.

Ҳамма тезликлар ОУ ўқи бўйлаб йўналганлиги учун, импульснинг сақланиш қонунини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$Mv_y = m_1 v_{1y} + m_2 v_{2e} \quad (\text{ми-3-1})$$

$$v_{2y} = \frac{Mv_y - m_1 v_{1y}}{m_2} = \frac{Mv_y - m_1 v_{1y}}{M - m_1} = 90 \text{ м/с} \quad (\text{ми-3-2})$$

Бу тезлик юқорига вертикал йўналган.

4.2. Энергиянинг сақланиш қонуининг масалалар ечишга қўллаш.

Энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни физиканинг энг умумий формулаларидан бўлиб, элементар физиканинг динамика бўлимидаги деярли ҳамма масалаларни ечишга имкон беради.

Жуда кўп масалаларда бу тенглама асосий тенгламалардан бири бўлиб, Ньютоннинг иккинчи қонуни ва импульснинг сақланиш қонуни билан бирга берилган ҳодисаларнинг ифодаловчи ёпиқ тенгламалар системасини ҳосил қиласди.

Дастлаб механиканинг асосий масаласини энергетик усул билан ечишни қараб чиқамиз. Умумтаълим ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимида физика курсининг механика бўлимининг асосий масалаларидан бири механиканинг асосий масаласини ечиш ҳисобланади.

Механиканинг асосий масаласини динамик ечиш усули жисмга ихтиёрий вақт моментида таъсир этувчи кучларни билишни талаб қиласди.

Реал ўзаро таъсирларда бу кучларнинг қийматлари ҳар доим ҳам аниқ бўлмайди, ана шу ҳолларда энергетик усул қўлланилади. Ундан ташқари масала ечишнинг энергетик усули динамик усулга қараганда рационалроқ ечимни беради.

1-мэ. масала. Ер сиртидан $h = 0,8$ м. баландликда жойлашган баллистик пистолетдан уч марта ўқ узилган: Биринчи марта-юқорига вертикал, иккинчи марта – вертикал пастга, учинчи марта горизонтал йўналишда ўқ отилган. Агар уччала ҳолда ҳам снарядларнинг бошланғич тезлиги $v_0 = 3$ м/с га тенг бўлса, снарядларнинг Ер сиртига етиб келган вақтдаги тезликларининг модулини аниқланг. Ҳавонинг қаршилигини эътиборга олманг.

Ечиш.

Масалани 2-ҳил усул билан, динамик ва энергетик усуллар билан ечилишини кўрамиз.

A). Масалани ечишнинг динамик усули:

Хар уччала ҳолда ҳам жисмга фақат оғирлик кучи $\vec{F}_t = m\vec{g}$ таъсир қилади, мос равища снаряднинг тезланиши: $\vec{a} = \frac{\vec{F}_t}{m} = \vec{g}$

ОУ кордината ўқини юқорига вертикал йўналтирамиз ва ҳар уччала ҳол учун кинематик тенгламаларни ёзамиш: (3.2.1.- расм.)

- Снаряднинг бошланғич тезлиги юқорига вертикал йўналган, шу сабабли

$$g_y = -g, v_{x1} = 0, v_{y1} = v_0 - gt_1$$

$$y_1 = h + v_0 t_1 - \frac{gt_1^2}{2} \quad (\text{МЭ-1-1})$$

- Снаряднинг бошланғич тезлиги вертикал пастга йўналган:


$$g_y = -g, v_{x2} = 0, v_{y2} = -v_0 - gt_2$$

$$y_2 = h - v_0 t_2 - \frac{gt_2^2}{2} \quad (\text{МЭ-1-2})$$

- Снаряднинг бошланғич тезлиги горизонтал йўналган:

$$g_y = -g, v_{x3} = v_0, v_{y3} = -gt_3$$

$$y_3 = h - \frac{gt_3^2}{2} \quad (\text{МЭ-1-3})$$



4.2.1- расм.

Снаряднинг Ер сиртига етиш моментида $y_1 = y_2 = y_3 = 0$ тенг бўлганлиги

учун тенгламаларни ечиб , содда алмаштиришлар ўтказиш орқали ҳар уччала ҳолда тезликларнинг модули аниқланади. Ҳар уччала ҳолда ҳам снарядларнинг тезликлари модули бир ҳил бўлганлигидан

$$v = \sqrt{v_0^2 + 2gh} = 5 \text{ м/с. (мэ-1-4)}$$

Б) Масалани ечишнинг энергетик усули.

Фақат консерватив кучлар (оғирлик кучи) таъсир этаётган “снаряд-Ер” ёпик жисмлар системасига энергиянинг сақланиш қонунини татбиқ этамиз.

$$mgh + \frac{mv_0^2}{2} = \frac{mv^2}{2} \quad (\text{мэ-1-5})$$

Бу тенгламадан снаряднинг ерга тегиши вақтидаги тезлигининг модули снаряднинг бошланғич тезлигининг йўналишига боғлиқ эмас.

$$v = \sqrt{v_0^2 + 2gh} = 5 \text{ м/с (мэ-1-6)}$$

2- мэ. масала : Силлиқ горизонтал стерженга ўралган пружинага массаси $m = 0,1$ кг бўлган юк маҳкамланган. Пружинанинг бикрлиги $k = 40 \text{ Н/м}$. Юкни $x_0 = 2$ см масофага тортиб кейин қўйиб юборилган.

Юкнинг максимал тезлигини ва унинг пружинанинг деформацияси $x = 1$ см. бўлган вақт моментидаги тезлигини аниқланг?

Ечиш :

Ерга боғланган инерциал саноқ системасига нисбатан ёпик, консерватив “Юк-пружина” жисмлар системаси учун механик энергиянинг сақланиш қонунини қўллаймиз ва қўйилган биринчи саволнинг жавобини топамиз.

$$\frac{kx_0^2}{2} = \frac{mv_{\max}^2}{2}; \quad v_{\max} = x_0 \sqrt{\frac{k}{m}}; \quad v_{\max} = 0,4 \text{ м/с (мэ-2-1)}$$


Иккинчи саволга жавоб топиш учун энергиянинг сақланиш қонунини қўйидаги қўринишда ёзамиз.

$$\frac{kx_0^2}{2} = \frac{kx^2}{2} + \frac{mv^2}{2}; \quad (\text{мэ-2-2})$$

Бундан;

$$v = \sqrt{\frac{k}{m} (x_0^2 - x^2)} ; \quad v = 0,35 \text{ м/с} \quad (\text{мэ-1-3})$$

Синфдаги иқтидорли ўқувчиларга масаланинг давоми сифатида шу масала учун $E(x)$ ва $E_p(x)$ ларнинг координатага боғланиш графикларини чизишни топшириш мумкин.



4.2.2- расм.

3-мэ. масала; $v_0 = 25$ м/с тезлик билан харакатланаётган автомобиль тўсатдан тормозлана бошлади. Агар шиналарнинг йўлга ишқаланиш коэффициенти $\mu = 0,5$ га teng бўлса автомобильнинг тормоз йўлини аниqlанг.

Ечиш;

Бу ҳолда “Автомобил-Ер” ёпиқ жисмлар системасига ноконсерватив куч- ишқаланиш кучи таъсир қилмоқда, шу сабабли тўла механик энергия сақланмайди. Тўла механик энергиянинг ўзгариш (камайиш) ўлчови ишқаланиш кучининг манфий энергияси ҳисобланади.

$$A_{ishq} = \Delta E_k = E_{k2} - E_{k1} = -E_{k1} = -\frac{mv_0^2}{2}, \quad (\text{мэ-3-1})$$

Иккинчи томондан : $A_{ishq} = -F_{ishq}s$,

$$\text{Ифодаларни тенглаштирамиз: } -F_{ishq}s = -\frac{mv_0^2}{2}$$

Таъсир қилаётган кучларнинг тенглек шартларини ёзамиз:

$$F_{ishq} - \mu N = 0 \\ N - mg = 0 \quad (\text{мэ-3-2})$$

Бу тенгламаларни биргаликда ечсак: $F_{ishq} = \mu mg$; F_{ishq} ни юқоридаги тенгламага қўйиб s ни аниқлаймиз.

$$s = \frac{v_0^2}{2\mu g} ; \quad s = 62,5 \text{ м.}$$

Масалани динамик усулда ишласак ҳам шу ечимга бироз мураккаброқ йўл билан келамиз.

4-мэ. масала : m массали тош h баландликдан ерга тушмоқда. Тошнинг Ер сиртига етиб келган вақтдаги тезлигини аниқланг.

Ечиш: (1-усул)

Масалаларни ечишда жисмлар системасини танлаш ихтиёрий. Масалани ечишдаги содда усулларни танлаш мухим, лекин ҳар қандай усулда ҳам тўғри ечимга келиш мумкин. Агар жисмлар системаси сифатида фақат тош танланса, тошнинг Ерга тортилиш кучи ташқи куч ҳисобланади. Жисмнинг энергиясининг ўзгариш ўлчови кучнинг бажарган иши ҳисобланади. Яккаланган тошнинг фақат кинетик энергияси ўзгаради.

$$A = \Delta E_k$$

$$A = F_t s \cos \varphi = F_t h = mgh \quad (\text{мэ-4-1})$$

$$\Delta E_k = \frac{mv^2}{2} \quad (\text{мэ-4-2}) \quad \text{бу}$$

ифодалардан:

$$mgh = \frac{mv^2}{2} \quad \text{бундан } v = \sqrt{2gh} \quad (\text{мэ-4-3})$$

Ечиш: (иккинчи усул)

Бу ҳолда жисмлар системаси сифатида “Ер-тош” системасини танлаймиз.

У ҳолда Ер ва тош орасидаги тортишиш кучи ички куч ҳисобланади ва консерватив ҳисобланади. Механик энергиянинг сақланиш қонунини қўллаймиз.

$$E_{k1} + E_{p1} = E_{k2} + E_{p2}$$

$$\text{Ўрнига қўямиз: } 0 + mgh = \frac{mv^2}{2} + 0 : \text{бундан } v = \sqrt{2gh} \quad (\text{мэ-4-4})$$

5-мэ. масала : m массали ўқ шипга осилган M массали қумли яшикга урилади. Ўқ теккандан сўнг яшикнинг мувозанат ҳолатидан максимал оғиши шундай-ки, яшикнинг масса маркази дастлабки ҳолатдан h баландликга кўтарилади. Ўқнинг тезлигини аниқланг.

Ечиш:


Масалани ечишда энергиянинг сақланиш қонунини “Ўқ (урилишгача)-яшик” жисмлар системасига қуйидагича $\frac{mv^2}{2} = (m+M)gh$ қўллаш мумкин эмас, чунки бу системада ўқ ва қумли яшикнинг ноэластик ўзаро таъсирида ҳосил бўлувчи ички ноконсерватив кучлар таъсир қиласди.

Бу ҳолда механик энергиянинг бир қисми ички энергияга айланади.

$$E_{ich} = \frac{mv^2}{2} - (m+M)gh \quad (\text{мэ-5-2})$$

Одатда ўқнинг тезлигини аниқлашни “Ўқ (урилишгача)-яшик” ёпиқ жисмлар системасига дастлаб импульснинг сақланиш қонунини қўллаш керак.

$$mv = (M+m)u \quad (\text{мэ-5-3})$$



4.2.3- расм.

Бу ерда m -үқли яшикнинг урилишдан кейинги тезлиги. Энди механик энергиянинг сақланиш қонунини “Үқ (урилишдан кейин)-яшик” ёпиқ ва консерватив жисмлар системасига қўллаймиз.

$$\frac{(m+M)u^2}{2} = (m+M)gh \quad (\text{мэ-5-4})$$

Тенгламалар системасини ечиб қўйидаги ифодани оламиз

$$v = \frac{M+m}{m} \sqrt{2gh} \quad (\text{мэ-5-5})$$

Ўқнинг тезлигини аниқлашнинг бу методи –баллистик маятник методи дейилади ва амалиётда кенг қўлланилади.

6-мэ. масала. Тош горизонтга нисбатан қандайдир бурчак остида \vec{v}_1 тезлик билан отилган. Ҳавонинг қаршилигини эътиборга олмаган ҳолда , отилиш нутасидан қандай баландликда тошнинг тезлигининг икки баробар камайишини топинг ?.

Ечиш.

Умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус қасб-хунар таълими тизимлари физика курсидаги кўпчилик масалаларни икки усул билан ечиш мумкин:

- а) Динамика қонунлари асосида;
- б) Энергиянинг сақланиш қонуни асосида ;

Қаралаётган масалани энергиянинг сақловниш қонуни татбиқ этган ҳолда ечиш осонроқ.


Энергетик баланснинг асосий тенгламасини ёзамиз.

$$A = W_2 - W_1 \quad (\text{мэ-6-1})$$

Бу ерда; тошнинг (1) ҳолати траекториянинг бошланғич нуқтасида, (2) ҳолати эса траекториянинг қидирилаётган баландлигига аниқланади.

Потенциал энергияни ҳисоблашдаги нолинчи сатҳ сифатида, масала шартига кўра , тошнинг энг пастки ҳолати, яъни отилиш сатҳи ОО қабул қилинади. Тошга фақат оғирлик кучи $m\vec{g}$ таъсир қиласи. (2) ҳолатда h - ОО сатҳга нисбатан тошнинг баландлиги ва \vec{v}_2 - тезлик вектори. Жисмга ташқи кучлар таъсир этмайди. “Жисм-Ер” системасида $m\vec{g}$ -ички куч ва унинг

бажарган иши потенциал энергиянинг ўзгариши билан аниқланади. Ташқи кучларнинг бажарган иши $A = 0$.



4.2.4-расм.

Тошнинг (1) ва (2) ҳолатларида тошнинг тўла механик энергияси қўйидагиларга тенг.

$$W_1 = \frac{mv_1^2}{2} \quad (\text{мэ-6-7})$$

$$W_2 = \frac{mv_2^2}{2} + mgh \quad (\text{мэ-6-8})$$

A, W_1, W_2 ларни юқоридаги формулага қўйиб, керакли формулани оламиз.

$$0 = \frac{mv_2^2}{2} + mgh - \frac{mv_1^2}{2} \quad (\text{мэ-6-9})$$

Олинган ифодани соддалаштириб қўйидагини оламиз.

$$0 = v_2^2 + mgh - v_1^2$$

$$\text{Масаланинг шартига асосан } v_2 = \frac{v_1}{2}$$

Бу ифодани юқоридагига қўйиб,

$$h = \frac{v_1^2 - v_2^2}{2g} = \frac{3v_1^2}{8g} \quad (\text{мэ-6-10})$$

Масалани ечишда тошнинг отилиш бурчагини ишлатмадик ва масала жавобида хам бу катталий қатнашмайди. Лекин $v_2 = \frac{v_1}{2}$ шарт ўринли бўлиши

учун $\alpha \geq 60^\circ$ бўлиши керак.. Буни мустақил исботлашни тингловчиларга ҳавола қиласиз.


7-мэ. масала. Массаси $m = 1$ кг. бўлган юк $h = 240$ м. бапандлиқдан қумга тушади ва $s = 0,2$ м. чуқурликга ботади. Агар юкнинг бошланғич тушиш тезлиги $v_0 = 14$ м/с бўлса Тупроқнинг ўртача қаршилик кучини аниқланг. Ҳавонинг қаршилигини эътиборга олманг.

Ечиш.

Чизма асосида юк учун энергиянинг сақланиш ва бир турдан иккинчи турга айланиш қонунини ёзамиз.

$$A = W_2 - W_1 \quad (\text{мэ-7-1})$$

Потенциал энергияни ҳисоблаш учун ОО сатҳни юкнинг энг пастки ҳолатидан танлаймиз



4.2.5.-расм.

Юкнинг эркин тушишида ташқи кучлар таъсир қилмайди (“Жисм-Ер” системасида $m\vec{g}$ -ички куч). .

Юкнинг тупроқ ичида кўчишида ташқи куч-тупроқнинг қаршилик кучи \vec{F}_c

хисобланади. Бу кучнинг бажарган иши $A = -F_c s$ га тенг. (Бу ерда “минус” ишора, кучнинг силжиш йўналишига қарама-қарши эканлигини ва тезлик вектори билан 180° бурчак ҳосил қиласи, $\cos 180^\circ = -1$). Юкнинг 1 ҳолатдаги механик энергияси;

$$W_1 = \frac{mv_0^2}{2} + mg(h+s) \quad (\text{мэ-7-2})$$

11-ҳолатда танланган сатҳга нисбатан, кинетик ҳамда потенциал энергиялар нолга тенг. Иш ва тўла энергия учун олинган ифодаларни дастлабки тенгламага қўямиз.

$$-F_c s = -\frac{mv_0^2}{2} - mg(h+s) \quad (\text{мэ-7-3})$$


Бу ифодадан F_s ни аниқлаймиз

$$F_s = \frac{m}{s} \left[\frac{v_0^2}{2} + g(h+s) \right]; \quad (\text{мэ-7-4})$$

$$F_s \approx 12 \text{ кН.}$$

8- мэ. масала. Оғир шарча қия нов бўйлаб ишқаланишсиз R - радиусли “ўлик ҳалқа” ҳосил қилган ҳолда сирпаниб ҳаракатланади. Шарча траекториянинг энг юқори нуқтасида ҳалқадан ажralиб чиқмаслиги учун, унинг ҳаракати қандай баландликдан бошланиши керак ?.

Ечиш.



4.2.6.-расм.

Бу масала моддий нүктанинг айлана бўйлаб ўзгарувчан ҳаракати бўйича бўлиб, ҳаракат жараёнида нүктанинг баландлик ҳолати ўзгариб боради. Бу масала эгри чизиқли ҳаракат тўғрисидаги масалаларнинг иккинчи гуруҳига киради ва бу типдаги масалаларни ечишда энергиянинг сақланиш қонуни ҳамда ҳаракат траекториясига ўтказилган номалга нисбатан проекциялар бўйича ёзилган Ньютоннинг 2- қонунидан фойдаланилади.

Энергиянинг сақланиш қонунини ёзамиз.

$$A = W_2 - W_1 \quad (\text{мэ-8-1})$$

Шарчанинг биринчи ҳолати сифатида ҳаракатнинг бошланиш нүктаси, иккинчи ҳолати сифатида траекториянинг юқори нүктасини оламиз. Баландликнинг саноқ сатҳи сифатида стол сирти танланади.

Шарчанинг ҳаракати давомида унга иккита куч таъсири қиласи: $m\vec{g}$ - оғирлик кучи, тагликнинг нормаль реакция кучи \vec{N} .

Оғирлик кучининг бажарган иши потенциал энергиянинг ўзгариши билан аниқланади. Реакция кучи \vec{N} иш бажармайди, чунки у кўчиш йўналишига перпендикуляр, яъни $\cos \alpha = 0$, демак $A = 0$.

Шарчанинг биринчи ва иккинчи ҳолатлари учун механик энергиянинг сақланиш қонуни қуидагича ифодаланади.

$$W_1 = mgh \quad (\text{мэ-8-2})$$

$$W_2 = \frac{mv^2}{2} + mg2R \quad (\text{мэ-8-3})$$

Иш ва энергия ифодаларини дастлабки тенгламага қўямиз.

$$0 = \frac{mv^2}{2} + 2mgR - mgh \quad (\text{мэ-8-1})$$

Бундан:

$$v^2 + 4gR - 2gh = 0 \quad (\text{мэ-8-1})$$

Халқанинг энг юқори нүктасида шарчага умумий ҳолда иккита куч $m\vec{g}$ ва \vec{N} таъсир қилади, Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан

$$N + mg = \frac{mv^2}{R} \quad (\text{мэ-8-1})$$

Шарча катта баландликдан тушаётганда шундай тезлик оладики, ҳалқанинг ҳар бир нүктасида, ҳар ҳил нүкталарда ҳар ҳил бўлган, қандайдир \vec{N} куч билан тагликга босим беради.

Ньютоннинг учинчи қонуни бўйича таглик шарикга модули шундай бўлган куч билан қарама қарши томонга таъсир қилади ва уни айлананинг R радиусли ёйи бўйлаб итарида.

Шарчани ҳаракатлантиришнинг бошланғич баландлиги камайиб бориши билан унинг ҳалқанинг юқори нүктасидаги тезлиги камайиб боради ва қандайдир қийматида шарча ҳалқанинг юқори нүктасидан тагликга тегмасдан учиб ўтади.

Бундай чегаравий ҳолда $N = 0$ ва Ньютоннинг иккинчи қонуни тенгламаси қўйидаги кўринишни олади.

$$mg = \frac{mv^2}{R}, \text{ ундан } gR = v^2$$

Худди шундай натижа тенгламанинг таҳлилидан ҳам келиб чиқади.

Радиус R - нинг берилган қийматларида \vec{N} кучнинг модули тезлик камайиб бориши билан то нолга тушгунча камайиб боради.

Бу шарчанинг “ўлик ҳалқа” ни ҳосил қилувчи минимал баландлигига мос келади. Тенгламаларни h -га нисбатан биргаликда ечиб, қўйидагини ифодани оламиз

$$h = 2,5R$$

9-мэ. масала. m -массали юк l узунликдаги ипга осилган. Ипни вертикаль (тиқ) ҳолатдан α_0 бурчакга оғдириб, қўйиб юборилди.

а) Юкнинг ҳаракати давомида таранглик кучи қандай қонун бўйича ўзгаради?.

б) Агар ип модул бўйича $2mg$ га тенг таранглик кучига бардош бедиган бўлса, ип кейинги тебранишларда узилмаслиги учун уни қандай максимал бурчакгача оғдириш мумкин ?.

Ечиш.

Масалада юкнинг айлананинг ёйи бўйлаб нотекис ҳаракати давомида системанинг икки ҳолати қаралади.

Масалани ечиш учун энергиянинг сақланиш қонуни ва Ньютоннинг иккинчи қонуни тенгламаларини радиус йўналишига проекцияларда тузиш керак.


а) Чизмада юкнинг биринчи ҳолати сифатида бошланғич α_0 оғиш бурчаги билан белгиланувчи ҳолатни, иккинчи ҳолати сифатида ихтиёрий α бурчак билан характерланувчи ҳолатни белгилаймиз.

Энергиянинг сақланиш қонунини ёзамиз.

$$A = W_2 - W_1 \quad (\text{мэ-9-1})$$

Потенциал энергиянинг саноқ боши сифатида юкнинг ихтиёрий ҳолатини, яъни ОО сатҳни қабул қиласиз. Иккинчи ҳолатда h – баландликни ва \vec{v} тезликни белгилаб оламиз

Юкнинг ҳаракати давомида унга \vec{T} таранглик кучи ва $m\vec{g}$ оғирлик кучи таъсир қиласи



4.2.7. –расм

Ҳаракат давомида таранглик кучи ҳамма нуқталарда тезлик векторига перпендикуляр (90° бурчак остида) йўналган ,шу сабабли юкнинг I ҳолатдан II ҳолатга қўчишида бу кучнинг бажарган иши нолга тенг бўлади. $A = 0$

Қаралаётган ҳолатларда тўла энергия мос равишда қўйидагиларга тенг.

$$W_1 = mgh \quad \text{ва} \quad W_2 = \frac{mv^2}{2} \quad (\text{мэ-9-2})$$

Чунки биринчи ҳолатда юкнинг тезлиги, иккинчи ҳолатда эса юкнинг ОО сатҳдаги баландлиги нолга тенг. Иш ва тўлиқ энергиянинг ифодаларини дастлабки формулага қўйиб, қўйидаги ифодани оламиз.

$$\frac{mv^2}{2} - mgh = 0, \quad \text{бундан} \quad v^2 = 2gh \quad (\text{мэ-9-3})$$

Ип вертикал билан α бурчак ҳосил қилган вақт моментида юкга $m\vec{g}$ - оғирлик кучи ва \vec{T} - таранглик кучи таъсири қилади. Бу кучларнинг таъсирида юк айлананинг ёйи бўйлаб, нормал a_n ва уринма a_k тезланишларга эга бўлган ҳолда ҳаракатланади.

$m\vec{g}$ - векторни радиус ва уринма йўналишларида проекциялаймиз.
3.2.7-расмдан мос проекцияларнинг қўйидагиларга тенглигини аниқлаймиз.

$$\begin{aligned} F_1 &= mg \sin \alpha \\ F_2 &= mg \cos \alpha \end{aligned} \quad (\text{мэ-9-4})$$

Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан:

$$mg \sin \alpha = ma_k, \quad \text{бундан} \quad a_k = g \sin \alpha \quad (\text{мэ-9-5})$$

$T > F_2$ бўлганда, яъни юк бошланғич ҳолатдан юқорига оғдирилганда, Ньютоннинг иккинчи қонунини траекторияга ўтказилган нормалга проекцияларига нисбатан ёзсак қўйидаги кўринишни олади:

$$T - mg \cos \alpha = \frac{mv^2}{l} \quad (\text{мэ-9-6})$$

Бу ерда l – ипнинг узунлиги, Системанинг II ҳолатида юкнинг тезлиги.

Таранглик кучини, α бурчакнинг функцияси сифатида, яъни $T(\alpha)$ кўринишида аниқлаш учун тенгламалар етарли эмас. Тенгламалар етарли бўлиши учун, яна h, l, α_0, α нинг боғланиш тенгламасини расм асосида топиш керак.

$$h = l(\cos \alpha - \cos \alpha_0) \quad (\text{мэ-9-7})$$

(мэ-9-3), (мэ-9-6), (мэ-9-7) тенгламалар учта номаълум катталикларга эга: T, v, h . Тенгламаларни қидирилаётган тортишиш кучига нисбатан ечиб, масаладаги биринчи саволга жавоб оламиз, яъни ипнинг таранглик кучининг α -бурчак билан аниқланувчи ҳолатга боғланишини аниқлаймиз.

$$T = mg(1 + 2\cos \alpha - 2\cos \alpha_0) \quad (\text{мэ-9-8})$$

Олинган натажани таҳлил қиласиз:

1) $\alpha = 0$, яъни траекториянинг пастки нуқтасида (ипнинг вертикаль ҳолатида) таранглик кучи максимал қийматга эга бўлади.

$$T_{\max} = mg(3 - 2\cos \alpha_0) \quad (\text{мэ-9-9})$$

3) Агар бошланғич ҳолатда ип горизонтал ҳолатда, яъни $\alpha_0 = 90^\circ$ бўлса таранглик кучи қуидаги қонун бўйича ўзгаради.

$$T = mg(1 + 2\cos \alpha), \quad (\text{мэ-9-10})$$

Бу ифода $\alpha = 0$ да максимал қийматга $T_{\max} = 3mg$ га эришади.

Таранглик кучининг максимал қиймати, яъни $T_{\max} = 2mg$ бўлган ҳолатдаги оғиш бурчагининг энг катта қиймати (мэ-9-3) тенгламадан топилади.

Ип максимал тарангликга верикал ҳолатда эришганлиги учун, тенгламаларда $\alpha = 0$ ва $T_{\max} = 2mg$ деб олсак, қуидагини аниқлаймиз.

$$v^2 = 2gh, \text{ ва } 2mg - mg = \frac{mv^2}{l},$$

$$h = l(1 - \cos \alpha_0) \quad (\text{мэ-9-11})$$

Тенгламаларни α_0 га нисбатан биргаликда ечиб, $\cos \alpha_0 = 0,5$;

$\alpha_0 = 60^\circ$ эканлигини аниқтаймиз. Шундай қилиб, ипни горизонталь ҳолатдан оғдирилганда $T_{\max} = 3mg$, $\alpha_0 = 60^\circ$ бурчакга оғдирилганда $T_{\max} = 2mg$ га тенг бўлар экан.


10-мэ. масала. Елкаларининг узунлиги l_1 ва l_2 бўлган енгил ричаг горизонтал ўқ атрофида айлантирилмоқда. Ричагнинг учларига массалари мос равишда m_1 ва m_2 бўлган юклар махкамланган. Ўз-ўзига қўйиб берилган ричаг горизонтал ҳолатдан вертикаль ҳолатга ўтади. Энг пастки нуқтада иккинчи юк қандай тезликга эга бўлади?

Ечиш.

Масалада моддий нуқталарнинг ўзгарувчан ҳаракати қаралмоқда. Масалани энергиянинг сақланиш қонуни асосида ечиш керак. Биринчи ҳолат сифатида ричагнинг горизонтал ҳолатини, иккинчи ҳолат сифатида унинг вертикальдан ўтиш ҳолатини қабул қиласиз. Энергиянинг сақланиш қонуни тенгламасини ёзамиз.

$$A = W_2 - W_1 \quad (\text{мэ-10-1})$$

Юкларнинг потенциал энергиясini пастки ОО сатҳдан бошлаб хисоблаймиз.



4.2.8. –расм

Ҳаракатланаётган юкли ричагга фақат ўқ томондан ташқи кучлар таъсир қиласи. Агар ишқаланиши эътиборга олмасак, бу кучларнинг бажарган иши $A = 0$ ва шунинг учун юкларнинг тўла энергияси ўзгармайди.

Ричагнинг массаси етарлича кичик бўлганлигидан, система горизонтал ҳолатда биринчи ва иккинчи юкларнинг потенциал энергиялари йиғиндисига тенг бўлган механик энергияга эга бўлади. (Бу ҳолатда юкларнинг кинетик энергиялари нолга тенг).

$$W_1 = m_1 g l_2 + m_2 g l_2 \quad (\text{мэ-10-2})$$

Вертикал ҳолатда системанинг механик энергияси қўйидагига тенг.

$$W_2 = \frac{m_1 v_1^2}{2} + m_1 g (l_1 + l_2) + \frac{m_2 v_2^2}{2} \quad (\text{мэ-10-3})$$

Бу ерда v_1 ва v_2 мос равишда биринчи ва иккинчи юкнинг тезлиги.

Олинган ифодаларни дастлабки тўла энергия формуласига қўямиз ва ташқи кучларнинг иш бажармаслигини эътиборга оламиз.

$$\frac{m_1 v_1^2}{2} + m_1 g (l_1 + l_2) + \frac{m_2 v_2^2}{2} - (m_1 + m_2) g l_2 = 0 \quad (\text{мэ-10-4})$$

Бу тенгламада иккита номаълум катталиклар, яъни юкларнинг тезликлари қатнашмоқда. Иккинчи етишмаётган тенгламани, ҳар бир қаралаётган вақт моментида ричагнинг ҳамма нуқталарида айланиш радиусларининг бир ҳил бурчак тезликга эгалигидан аниқлаймиз., шу сабабли II ҳолатда бурчак теэлик

$$\omega_2 = \frac{v}{l_1} = \frac{v_2}{l_2} \quad (\text{мэ-10-5})$$

Тенгламалардан v_1 ни йўқотиб қўйидагини аниқлаймиз.

$$v_2 = l_2 \sqrt{\frac{2(m_2 l_2 - m_1 l_1)g}{m_2 l_2^2 + m_1 l_1^2}} \quad (\text{мэ-10-6})$$

Баландликни ҳисоблашдаги саноқ бошини жисмларнинг энг пастки ҳолати бўйича танлаш унчалик ҳам шарт эмас, лекин масалада шундай олинди.

11-мэ. масала. \vec{v}_1 тезлик билан учаётган M массали космик кема \vec{v}_2 тезлик билан учаётган m массали метеороид билан тўқнашади. Метеороид космик кеманинг пешона (олд) қисмига кеманинг бўйлама ўқига нисбатан α бурчак билан урилади. Урилишни абсолют эластик тўқнашиш деб ҳисоблаб ва метеороид ва космик кема қопламаси орасидаги ишқаланишни эътиборга олмасдан, космик кеманинг тўқнашишдан кейинги тезлигини аниқланг.

Ечиш.

Абсолют эластик тўқнашишда –механик энергия энергиянинг бошқа турларига айланмайди, системанинг тўла энергияси ўзгармасдан қолади.

Эластик тўқнашиш учун энергиянинг сақланиш қонуни қуидаги кўринишни олади.

$$W_1 = W_2 \quad (\text{мэ-11-1})$$

Бу ерда W_1 ва W_2 - жисмлар системасининг мос равища тўқнашишгача ва тўқнашишдан кейинги тўла механик энергияси.

Идеал силлиқ жисмларнинг масса марказлари чизиги бўйлаб абсолют эластик тўқнашишининг ўзаро таъсир механизмини қуидагича тасаввур қилиш мумкин.

Жисмларнинг бир-бирига тегиш пайтида ва яна ўзаро яқинлашишида эластиклек кучлари ҳосил бўлиб, таъсирлашаётган жисмларнинг тезликлари ўзаро тенглашгунча, ортиб боради.

Бу вакт моментида деформация ва жисмларнинг потенциал энергияси энг катта қийматига, кинетик энергия эса минимал қийматига эришади, жисмлар бир ҳил тезлик билан ҳаракатлана бошлайди.

Сўнгра жисмларнинг шакли қайта тиклана бошлайди, эластиклек кучлари эса жисмларни бир-биридан ажralгунча итара бошлайди. Деформация потенциал энергияси тўла кинетик энергияга айланади.

Натижада кинетик энергия ўзаро тўқнашаётган жисмлар орасида қайта тақсимланади, уларнинг йигинди қиймати эса ўзгармайди.

Агар тўқнашиш моментида жисмларнинг тезликлари уларнинг масса марказларидан ўтувчи чизиқга нисбатан α бурчак остида йўналган бўлса, тўқнашиш жараёнида нафақат жисмлар деформацияси ва уларнинг марказларининг ўзаро яқинлашиши, ҳатто бир жисмнинг сирти бўйлаб иккинчисининг сирпаниб ўтиши ҳам юз беради.

Жисмларнинг бир –бирига тегиб ўтиш сиртига ўтказилган нормал бўйича йўналган кучлардан ташқари, таъсирини аниqlаш жуда мураккаб бўлган, сирпаниш ишқаланиш кучлари ҳам таъсир этади.

Жисмлар етарлича силлиқ ва ишқаланиш кучлари нормал бўйича йўналган эластик таъсир кучларидан жуда кўп марта кичик бўлса ,тўқнашиш тўғрисидаги масала нисбатан осон ечилади ва масала марказий тўқнашиш тўғрисидаги масалага келтирилади..Ишқаланиш бўлмаганлиги учун марказларни туташтирувчи чизиқга перпендикуляр йўналган куч импульси нолга teng ва тезлик векторларининг шу йўналишдаги проекциялари ўзгармайди.

Эластик тўқнашишга оид масалалар энергия ва импульснинг сақланиш қонунлари ёрдамида ечилади Одатда бундай масалаларда жисмларнинг тўқнашишгача тезликлари берилади ва уларнинг тўқнашишдан кейинги тезликларини топиш сўралади.

Масалада икки жисмли яқкаланган системанинг иккита ҳолати қаралади: биринчиси-тўқнашишгача ва иккинчиси тўқнашишдан сўнг.

Космик кема ва метеороиднинг тўқнашишгача ва тўқнашишдан кейинги тезликларини мос равища $\vec{v}_1, \vec{v}_2, \vec{u}_1, \vec{u}_2$ бўлсин ва тўқнашишдан сўнг космик кема аввалги йўналишида ҳаракатлансин.

Тўқнашиш моментида жисмларнинг импульси бир-бирига нисбатан α бурчак остида йўналганлигидан , масалани ечишни соддалаштириш мақсадида уларни марказларни туташтирувчи чизиқга (ОХ ўқи), шу чизиқга нормаль йўналишларига проекциялаймиз.

Космик кема ва метеороиднинг импульсларининг шу ўқларга проекциялари қўйидагиларга teng.

$$\text{Тўқнашишгача: } Mv_1, -mv_2 \cos \alpha, mv_2 \sin \alpha$$

$$\text{Тўқнашишдан сўнг: } Mu_1, mu_2 \cos \beta, mu_2 \sin \beta$$

Бу ерда β -метеороиднинг сочилиш (аксланиш) бурчаги.

Космик кема- метеороид системаси яккаланган система бўлганлигидан, Ox ўқи бўйича импульснинг сақланиш қонуни тенгламаси

$$Mv_1 - mv_2 \cos \alpha = Mu_1 + mu_2 \cos \beta \quad (\text{мэ-10-2})$$

Космик кеманинг қопламалари идеал силлиқ бўлганлигидан импульсларнинг Oy ўқига проекциялари учун қўйидаги тенгламани ёзамиш.

$$mv_2 \sin \alpha = mu_2 \sin \beta \quad (\text{мэ-10-3})$$

Космик кема ва метеороиднинг тўқнашиши абсолют эластик бўлгани учун ва ташки кучлар таъсир қилмаганлигидан энергиянинг сақланиш қонунига асосан қўйидагини ёзамиш:

$$Mv_1^2 + mv_2^2 = Mu_1^2 + mu_2^2 \quad (\text{мэ-10-4})$$

Импульснинг сақланиш қонунидан фарқли равишда умумий ҳолда, энергиянинг сақланиш қонуни тенгламаси ўқлар бўйича сақланмайди

Берилган масалада марказларни туташтирувчи ўқ, Ox ўқи бўйлаб тенглама қўйидагича бўлади.

$$Mv_1^2 + mv_2^2 \cos^2 \alpha = Mu_1^2 + mu_2^2 \cos^2 \beta \quad (\text{мэ-10-5})$$

Тенгламалардан космик кеманинг тўқнашишдан кейинги тезлигини аниқлаш учун алмаштиришлар ўтказиш ва бир ҳил массали ҳадларни группалаш керак.

$$M(v_1 - u_1) = m(u_2 \cos \beta + v_2 \cos \alpha), \quad (\text{мэ-10-6})$$

$$M(v_1^2 - u_1^2) = m(u_2^2 \cos^2 \beta - v_2^2 \cos^2 \alpha) \quad (\text{мэ-10-7})$$

Космик кеманинг тўқнашишдан кейинги тезлигини топиш учун алмаштиришлар ўтказамиз ва қўйидагини оламиз.

$$v_1 + u_1 = u_2 \cos \beta - v_2 \cos \alpha \quad (\text{мэ-10-8})$$

Натижада биз иккита (мэ-10-6) ва (мэ-10-8) тенгламаларни олдик , улардан жисмларнинг тўқнашишдан кейинги тезликларини топиш осон. Алмаштиришлар ўтказиш йўли билан космик кеманинг тўқнашишдан кейинги тезлигини топамиз.

$$u_1 = \frac{(M-m)v_1 - 2mv_2 \cos \alpha}{M+m} \quad (\text{мэ-10-9})$$

Худди шундай метеороид тезлик векторининг Ox ўқига проекцияси учун қуидагини аниқлаймиз.

$$u_{2x} = u_2 \cos \beta = \frac{(M-m)v_2 \cos \alpha + 2Mv_1}{M+m} \quad (\text{мэ-10-10})$$

(мэ-10-3) тенгламадан метеороид тезлик векторининг Oy ўқига проекцияси учун қуидагини аниқлаймиз.

$$u_{2y} = v_2 \sin \alpha \quad (\text{мэ-10-11})$$

(мэ-10-10) ва (мэ-10-11) ларни билган ҳолда \vec{u}_2 тезликнинг модулини топамиз.

$$\vec{u}_2 = \sqrt{u_{2x}^2 + u_{2y}^2} \quad (\text{мэ-10-12})$$

(мэ-10-2), (мэ-10-3) ва (мэ-10-5) тенгламалар асосида тўқнашишдан кейин метеороид тезлик векторининг йўналишини ҳам аниқлашимиз мумкин.

$$\operatorname{tg} \beta = \frac{u_{2y}}{u_{2x}} = \frac{(M+m)v_1 \sin \alpha}{2Mv_1 + (M-m)v_2 \cos \alpha} \quad (\text{мэ-10-13})$$

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .

1. Дерябин В.М. Законы сохранения в физике. М.: Просвещение, 1982.-128с.
2. Эвенчик Э.Е., Шамаш С.Я., Орлов В.А. Методика преподавания физики в средней школе. М.: Просвещение, 1986.-240 с.
3. Мирзаахмедов Б., Мамадияров Н. Физика ўқитиши методикаси. Т.: Ўқитувчи, 2007 й.
4. В.А.Балаш. Задачи по физике и методы их решения – М: «Просвещение», 1983, 486с
5. Римкевич А.П. Физикадан масалалар тўплами. Т.: 2001. 3-76 б.
6. Толипов Ў. Педагогик технологияларнинг татбиқий масалалари- Т. 2006,
7. Беликов Б.С. Решение задач по физике. Общие методы – М. 1989. 15-36 с.
8. Методика решения задач по механики и молекулярной физики в лицеях-М. 2011 г. 79 с.
9. Методика решения задач по физике в средней школе. М.: 2009 г. 75 с.

Босишга рухсат берилди: 15.11.2015 йил.
Офсет қоғози гарнитураси “Times New Roman”
Қоғоз бичими 60 x 84. 1/16. Босма тобоғи 5,0.
Буюртма № Адади: 30 дона.

ГулДУ босмахонасида чоп этилди.
Гулистон ш. 4- мавзе. ГулДУ бош бино.